Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№34-35 (288-289) 2002-yil 28-август

"Ҳуррият" сизники,
Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 11-АЙЁМИ МУБОРАК!



Кўплаб юртдошларимиз қатори Яккабоғдаги 2-шифохона жамоаси ҳам истиқлолимизнинг қутлуғ байрамини халқимиз саломатлигини тиклаш йўлидаги катта ютуқлар билан қарши олмоқда.

СУРАТДА: шифохона бош ҳакими, 1-тоифали жарроҳ Ойсанам Бобоқулова.

А. КАРИМ олган суратлар.

Публицистика

АЙРО ТУШМАЙЛИК СЕНДАН, ИСТИҚЛОЛ!

Ассалому алайка, жондан азиз Истиқлолим!..

... Сени "жондан азиз" дедим. Сўзларимнинг самимийлигига ишон,Истиқлол, билиб туриб нозланма — мендан исбот-у далил сўрама: Чўлпон-у Фитратлар, Қодирий-у Усмон Носирлар ўзларини қурбон қилиш ила сенинг жондан-да азизроқ эканлигингни исботлаб кетмишлар!..

Етмиш етти йил сени соғиниб яшадик, Истиқлол! Миллат фидойилари Ошиқларга, сен эса ташрифи маҳол Маъшуққа айландинг. Бу фоний дунё сен каби серошиқ маъшуқни кўрмагандир: нафақат чўлпонлар, фитратлар, қодирийлар... балки элга маълум-у номаълум минг-минглаб инсонлар йўлингда жонларини нисор этдилар...

Сенинг ишқинг юракларни бир лаҳза бўлса-да тарк этмади. Тил Шўро мадҳиясини куйлаб турган онларда ҳам Дил сени деб оҳ урди!..

... 1977 йилда ўқишни битириб, Сирдарё вилоят газетасига ишга бордим. Бир куни ишхонамиз ёнидаги катта дўконга кирдим. Қарасам, касса ортидаги аёл ҳасса таянган бир кексага ўшқиряпти:

— Я вас не па-ни-ма-ю, ба-бай, га-ва-рите по-русски!

Юрагим зирқираб кетди. Шу ерда туғилган, ўсган, қариган Инсон ўз заминида эркин савдо қилолмаса, икки дона совунни ўз она тилида гапириб олмаса, бу не кўргулик?!..

— Саксондан ошган чолнинг тил ўрганиши осонми, ундан кўра Сиз ўзбек тилини ўргансангиз бўлади-ку?! – дедим аёлга. У мендан баланд келди, мени миллатчи сифатида айблади, мендек миллатчини ишга олган муҳаррир устидан обкўмга ёзмоқчи бўлди. Муҳаррир балога қолмасин деб паст тушдим. Таржимонлик қилиб қариянинг савдочасини битириб бердим. Аммо шундай хўрландимки, Сени шундай қўмсадимки, Истиқлол!.. Икки дона совун билан бир кило оққандни қийиғига тугаётган чолга қарадим: кўзлари тўла алам — дили сени чорлаб бўзлаётганди, Азизим!

"Шўро тарбиясини олган" ёшлар орасида ҳам ошиқларинг кўп эди, Истиқлол! Туғилган кунинг яқинлашаётганигами, мен шулардан бирини кўп эслаяпман. У йигит Сенинг ҳам ёдингдадир: исми — Равшан, куняси Қўлдошев эди. "Сирдарё ҳақиқати"да мусаҳҳиҳ бўлиб ишларди. Эрк-у миллат деса, жонини берарди...

Бир куни Равшан хонамга бўғилиб, аччиғланиб кириб келди.

— Мухтор ака, тамом бўпмиз! – деди томдан тараша тушгандек.

— Нега бундай деяпсиз? – сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Ҳозир шаҳар камсамўл қўмитасидан келяпман, — овози титраб сўзлади у. — Билсангиз, Раҳматулла деган йигит ишлайди. Шуни ҳаммалари Рўма деб чақиришяпти!..

Чидолмай бўзлаб юборди:

— Бу қандай гап, ака, динимиз кетди, тилимиз кетди, энди отларимиздан ҳам айриламизми?! Миллат сифатида гўрга кирамизми?! Бу кетишда ўлганимизда ҳалоллаб кўмадиган инсон қолмайдику?!.. Бизнинг пешанамизгаям мундай бир мустақил бўлиб яшаш ёзилганмикан?!..

У сени соғиниб бўзларди, Истиқлол!

Ярим кечагача ухлолмадим. Бир пайтлар ярим дунёни титратган, ал-Бухорий, ат-Термизий, Бурҳонуддин Марғиноний, ал-Мотурудий каби мударрис-ул-кабирлари мусулмон оламига исломдан, ал-Беруний, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Форобий сингари алломалари бутун инсониятга улум-уд-дунёдан сабоқ берган буюк миллат наҳот шу қадар забун ҳолда қолаверса?! Наҳот, унинг фарзандлари ўз буюк ўтмишларини унутиб ўзгаларга топинсалар?!..

Дардларимни қоғозга тўкдим:

Боқий каломини тинглаган чоғим
Ҳавасим келади
Менинг қушларга:
Яхшими, ёмонми
ўз сайрашини
алишмас ҳеч қачон
ёт товушларга!
Бизда-чи, ўзга
тил билимдонидир
ўз тилин билмовчи
чала муллалар:
ўзбекча гапирсанг
масхара қилар
Ромага айланган
Раҳматуллалар!
Бугун-ку тилини
унутди улар,
эртага унутар
миллатин, зотин...
лол қолманг бундайлар
Йўлдош ўрнига
Спутник қўйворса
ўглининг отин!..

Хайриятки, сен келдинг, Истиқлол! Муборак ташрифинг шарофати билан Йўлдошвойларимиз Спутникларга айланмай қолди, Ромаларимиз эса яна бир юмалаб Раҳматуллаларга айландилар...

Узоқ ва интиқ кутдирдинг, аммо шунга яраша "сеп" билан келдинг, Азизим: кимларнингдир қутқуси билан юз ўгирган, муборак юзига лой ота бошлаган ҳазрати Темурни яна "бобожон!" деб ачомлай бошладик, диний ва дунёвий улумда курраи заминга мударрислик қилган буюк боболаримизнинг хосиятли бармоқлари яна манглайимизни силай бошлади, пурҳикмат китоблари ҳар бир хонадонга кириб борди...

Бугунги Равшанлар қалбини динимиздан, тилимиздан, исмларимиздан айриламизми, деган ғам-у ташвиш кемирмайди. Чунки, сен борсан, Истиқлол!

Қарияларимиз ғайри тилни ўрганмаганликлари боис ўксук ҳолга тушмайдилар, чунки сенинг шарофатинг билан давлатнинг ўзи уларнинг она тилларида бошқарилаётир, Истиқлол!..

Ўн бир ёшинг муборак бўлсин, эй, Яратганнинг буюк неъмати! Ниятимиз шулким, Парвардигор Сендан бизни то қиёмат қадар айро қилмасин!

Мухтор НОСИР

Қутлов

МУКОФОТ МУБОРАК, ҲАМКАСБЛАР!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан Истиқлолни мустаҳкамлаш ишига ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келаётган олти нафар ҳамкасбимиз "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" унвони билан тақдирландилар. Улар Ўзбекистон радиоси "Ахборот" муҳарририяти бош муҳаррири **Анваржон Абдувалиев,** "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти муҳаррири **Аҳрор Аҳмедов,** "Маърифат" газетасининг Бухоро вилояти бўйича мухбири **Жаҳонгир Исмоилов,** "Асака ҳаёти" газетасининг муҳаррири **Мукаррамхон Холматова,** "Халқ сўзи" газетасининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири **Аликул Хонимқулов,** "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг бўлим мудири **Беккул Эгамқуловлардир.**

Шунингдек, Президент Фармонига кўра яна бир гуруҳ журналистлар ҳукуматимиз орден ва медаллари билан мукофотландилар.

Улуғ Истиқлол байрами арафасида мукофотланган барча ҳамкасбларимизни чин юракдан муборакбод этамиз!

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ва Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси танлов ҳайъати энг улуғ ва энг азиз айёмимиз Мустақилликнинг шонли 11 йиллиги муносабати билан яратилган ва эълон қилинган — Истиқлолнинг тарихий ва бемисл аҳамияти, ҳаётимиз ва тақдиримизда ясаган беқиёс ўзгаришлари талқин ва тараннум этилган қуйидаги ижодий ишлар муаллифларини "Энг улуғ, энг азиз" мавзуидаги танловнинг ғолиблари ва совриндорлари деб топди:

Танлов ғолиблари:

Василий Жаппаров — рассом. "Шажара" асари учун (Қорақалпоғистон)

Зайниддин Мирзаев — рассом. Ватанга муҳаббат, она ва бола мавзуларидаги туркум асарлари учун

Нўъмонжон Муҳаммаджонов — фотосуратчи ("Халқ сўзи"). Матбуотда эълон қилинган фотосуратлари учун

Бахтиёр Обидов — рассом. "Ўзбегим навоси", "Ургут келинчаги", "Замондошларимиз" асарлари учун

Юрий Черноғаев — журналист. Мустақилликка бағишланган долзарб мавзулардаги чиқишлари учун

Саъдулла Ҳаким — шоир. "Сайланма" шеърий тўплами учун

Совриндорлар:

Ғанишер Акбаров (Наманган вилояти, ТВ), **Ирисмуҳаммад Абдукаримов** ("Ватанпарвар" газетаси), **Турсун Али** ("Туйғулар ранги" сайланмаси учун), **Абдуазим Алимов** ("Ёшлар" телеканали), **В.Лисов** (рассом), **Ҳакимжон Ризаев** (наманганлик рассом), "Тошкент оқшоми" газетаси, **Муҳаррам Юсупова** (педагогика фанлари доктори), **Рустам Шарипов** (фотожурналист), **Саодат Урмонова** ("Қишлоқ ҳақида ўйлар" туркум кўрсатувлари учун).

УШБУ СОНДА:

най навосидаги Ватан

ҚОНУН ЎЗГАРСА... 2

ШУКРОНА

ҲУҚУҚИЙ САБОҚЛАРИ 12

ҚИРҚИНИДАН ҚИЙИЛГАН ОДАМ

Дунёни нима кутмоқда?

15

Мулоқот

Фредерик Старр — Вашингтон шаҳридаги Жонс Хопкинс университети қошида фаолият юритаётган Марказий Осиё ва Кавказ институтининг директори. У мазкур регионлар, жумладан, Ўзбекистон бўйича йирик мутахассис-сиёсатчилардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрган ва серқуёш мамлакатда кўплаб дўстлар орттирган профессор штатсиз мухбиримиз билан қилган суҳбатида 11 сентябрь воқеаларидан кейин минтақада вужудга келган ҳолат, мамлакатимиз истиқболи ва Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифи якунлари хусусида фикр юритади.

ДОКТОР СТАРР:

«ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАНИНГ ЮРАГИ»

— Муҳтарам профессор, ўзингизга маълум, америкаликлар яқинда Мустақиллик кунини нишонлашди. Мен улар бу санани юксак ватанпарварлик ва бирдамлик руҳида байрам қилганликларини ўз кўзим билан кўрдим ва бундан қаттиқ таъсирландим. Бир неча кундан сўнг биз ҳам ўз Истиқлол байрамимизни нишонлаймиз. Шу муносабат билан Сиз Ўзбекистон, қолаверса, минтақа республикалари мустақиллиги тўғрисида нималар дея оласиз?

— Ҳақиқатан ҳам Мустақиллик куни барча америкаликлар учун улуғ ва суюкли байрамдир. Биз бу мустақилликка икки асрдан зиёдроқ аввал эришган бўлсак-да ҳанузгача кўпчилик америкаликлар уни сақлаш ва мустаҳкамлашни "энг шахсий масала" ҳисоблайдилар. Ана шунинг учун ҳам улар миллий мадҳияни шунчаки тингламайдилар, балки чин юракдан куйлайдилар.

Марказий Осиё республикалари мустақиллигига келсак, айрим шахслар назарида бу ўтмишдаги сиёсий жамиятларнинг зоҳиран ўзгарган ҳолда қайта вужудга келишидир. Бошқа бировлар эса буни илк марта миллий давлатчиликка эришиш деб тушунадилар. Совет империяси қулашини айрим мамлакатлар ҳосил бўлган ғоявий бўшлиқни Марказий Осиёда тарихий илдизга эга бўлмаган примитив ислом меъёрлари билан тўлдириш учун молиявий жиҳатдан яхшигина таъминланган кампаниялар бошлашга таклиф деб тушундилар. Мана шундай шароитда янги ҳукуматлар ўз мустақилликларини сақлаш ва мустаҳкамлаш билан жиддий машғул эканликлари ғоят табиий ҳолдир. Бироқ Ғарб бу муаммонинг моҳиятини тўла баҳолай олмади, натижада муаммони вужудга келтирган сабабларнинг аксариятини бартараф этиш ёки юмшатишнинг ҳам удда-сидан чиқолмади...

— Хавфсизлик масалаларида Ғарбнинг бизнинг минтақамизга бўлган қизиқиши сўнгги пайтларда қай даражада ўзгарди?

— 11 сентябрь воқеаларига қадар ҳам АҚШдаги кўпчилик сиёсатдонлар Марказий Осиё мамлакатларини ушбу минтақада яшовчи халқларнинг кўзи билан кўриб ўрганишга жиддий ҳаракат қилган эдилар. Бу мантиқан мазкур минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг кенгайишига олиб келди. 11 сентябрь воқеалари Ғарбни минтақадаги ҳар бир мамлакат хавфсизлиги муаммосини тан олишга ва кўриб чиқишга мажбур қилди. Бундан буён Марказий Осиёда сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, очиқ жамиятларни ривожлантириш масалаларини хавфсизлик муаммосидан истисно ҳолатда муҳокама қилиш мумкин эмас.

— Жаноб профессор, 11 сентябрь воқеаларидан сўнг минтақамизда вужудга келган сиёсий вазият хусусида қандай фикрдасиз?

— Эндиликда минтақангизни яхлит бир сиёсий Осиё халқлари у ёки бу даражада бир хил деб ўйлаб, уларнинг муаммоларини ҳам шу нуқтаи назардан тушунардилар. Бугун рўй бераётган табақаланиш даржасининг ўсиши тарихий ва жорий воқеаликдан келиб чиқади. Воҳа, саҳро ва тоғ халқлари юз йиллар мобайнида турлича яшаб келганлар. Бирга яшаш ва биргаликдаги фаолиятдан ўзаро манфаат топиш йўлларини ишлаб чиққанликлари уларнинг улкан ютуғидир.

Нефть, газ ва сув ресурсларидан фойдаланиш соҳасида сўнгги пайтларда туғилган муаммолар минтақага янги чуқур иқтисодий бўлиниш хавфини солмоқда. Ҳўш, марказий осиёликлар мана шу долзарб муаммоларни "мусбат" томонга буриш учун етарли даражада мулоҳазакорлик кўрсата оладиларми – кўп нарса ана шунга боғлиқ бўлиб турибди.



— Марказий Осиё минтақаси билан ҳамкорлик имкониятлари қай даражада?

— Ҳар бир янги мустақил давлат ўз қўшнилари билан муносабатда рақобат ва ҳамкорлик ўртасидаги бир меъёрни топишга интилади.

Россияда ва бошқа жойларда амал қилган хусусийлаштириш ваучерининг кўнгилсиз натижаларидан сақланиш мақсадида Ўзбекистон ривожланишнинг ўзига хос йўлидан борди. Бу сиёсат Ўзбекистонга яхши хизмат қилди ҳамда унинг халқаро ҳамжамият билан муносабатларини белгилаб берди. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон 2001 йил 11 сентябрь воқеаларига қадароқ социал ва иқтисодий ривожланишнинг янги даврига кирганлиги аниқ бўлиб қолган эди. Эркин бозор принципларига асосланган бу янги босқич нафақат Қўшма Штатлар, балки Европа билан, Япония ва бозор иқтисодиётига амал қилувчи бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилишда янги имкониятларни вужудга келтиради...

(Давоми 15-бетда)

Қадр

ЭМГАК ЭКИНДА ҚОЛМАС...

Юртбошимиз И.А.Каримовнинг республикамиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги муносабати билан бир гуруҳ марҳум алломаларимиз меҳнатини тақдирлаш борасида чиқарган Фармонидан беҳад қувондим. Мен толиблик йилларимда улардан иккитаси билан суҳбатда бўлганман.

Обид Содиқов 1960 йили, яъни мен ҳозирги Тошкент Давлат миллий университетига ўқишга кирган йилим шу даргоҳга ректор бўлиб ўтган эди. (Беш йилдан кейин эса Ўзбекистон ФАсига Президент этиб сайланди).

Обид Содиқов толиб-улилмларга ғоят эътиборли, ғамхўр эди. У ҳар ҳафтанинг чоршанба куни соат учдан бошлаб қабул қиларди. Навбати етиб келган йигит-қизларга бир пиёла чой узатиб, майдаланган оқ қандан олишни таклиф қиларди. Унинг дардини эшитгач, енгил масала бўлса, дарҳол ёрдамчисини чақириб, топшириқ берарди. Каттароқ масала бўлса, дафтарчасига ёзиб қўярди. Мен унинг ҳузурига уч марта кирганман ва хурсанд бўлиб чиққанман.

Орадан саккиз йил ўтгач, 1973 йили Обид ака билан Вазирлар Кенгаши биносига кираверишда учрашиб қолдим. У остонадан ҳатлаб ўтди-да, ҳамма билан саломлаша бошлади. Мен шунча йилдан сўнг, эслолмаса керак деб, ўзимни четроққа олдим. Аммо менга кўзи тушиши билан "ҳой, йигит, сўрашмаймизми?!" дея илиқ бош иргади. Дарҳол бориб узр сўрадим.

— Хўш, хизматлар қаерда? — сўради у салом-аликдан сўнг.

Мен газетада ишлаганим, ҳозир Сирдарё вилояти ижроия қўмитасида ташкилий бўлим мудири бўлиб ишлаётганим, оилам ҳақида гапирдим.

— Тошкентга қайтмайсизми, илмий ишлар қилмайсизми, келсангиз, марҳамат! – деди хайрлашаётиб.

— Раҳмат, ижроқўмга яқинда ўтдим, бироз ишлаб турай, кўрамиз, — дедим таъзим қилиб.

Обид акани кейин бевосита кўрмадим. Фақат телевидениеда, матбуотда, радиода чиқишларини кузатиб турдим. Ажойиб академик, буюк қалбли инсон умрининг охирги йилларида республикамизга яширинган ёпирилиб келган бир гуруҳ десантчилар тазйиқига йўлиқанлигини эшитиб беҳад қайғурдим...

Мен билган яна бир аллома, бу Саъди Ҳасанович Сирожиддиновдир. Мен унинг Қорасувдаги ота ҳовлисида икки бор, Ўрдадаги уйида бир марта бўлганман. Дўстим, ҳамюртим Бегижон Турдибеков туфайли танишганман.

Саъдихон ака, унинг кўпни кўрган отаси бир умр кўз олдимдан кетмайди. Мен Саъдихон акани бир-гина хислатини айтиб ўтмоқчиман. Саъдихон ака кимсан университет ректори, академик бўлишига қарамай, кўпинча Ўрдадаги уйидан ҳозирги Амир Темур хиёбонидаги собиқ университетгача пиёда борарди. Дўстим Бегижондан нега шундай қилади дея сўрасам, у, Саъдихон аканинг "хизмат машинасида юриш яхши-ю, аммо бирор кор-ҳол юз берса, ташвиши ёмон" дейишини айтди. Айтишларича, Саъдихон ака фақат узоқроқ жойларгагина машинада бораркан. Унинг икки қулфли сумкасини ушлаб пиёда кетаётганининг ёки трамвай, троллейбус бекатларида турганининг ҳам кўп бор гувоҳи бўлганман. Ана шундай камтар инсон, машҳур олим ҳам саксонинчи йиллар охирида Марказдан ташланган десантчилардан бири — Тошкент шаҳар партия қўмитаси биринчи котиби Сатин ва унинг гумаштала-ри зулмидан бетоб бўлиб оламдан ўтди.

Мана, омон-омон йиллар келиб, Президентимиз Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов каби буюк алломаларимизнинг эл-юрт олдидаги буюк хизматларини муносиб тақдирлади. Бу хусусдаги Фармонни ўқирканман, хаёлимга беихтиёр "эмгак экинда қолмас", яъни "меҳнат ерда қолмайди" деган қадимги туркий мақолимиз тушди. Бобокалонларимиз билиб айтган эканлар, марҳум алломаларимизни-да ранж-у меҳнатлари қадрланаётир...

Жўра УМАРҚУЛОВ.
Гулистон шаҳри

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муносабат

СОЛИШТИРИШ САВҚИЯСИ

ёхуд най навосидаги Ватан

Дўстимнинг фалсафаси

Дўстим бор, Қосим деган. Кўп уддабурон йигит. Серғайрат. Тиним билмайди. Бошқаларга ҳам тинчлик бермайди. Далада тўрт гектарча ери бор. Бола-чақасию жиянлари ўша ёқдан бери келмайди. Яна катта йўл ёқасида чойхона ҳам очиб олган. Туну кун ишлайди. Иккита укаси шу ерда андармон. Ўзи "Дамас"да қишлоқ билан туман маркази орасида ғир-ғир қатнайди. Одам ташийди. Шундан ҳам уч-тўрт танга топади. Хуллас, шу тахлит ғимир-ғимир билан ризқини теради. Нолимайди. Ўзига тўқ.

Бир куни Қосим билан гурунглашиб ўтирган эдик, алоҳа, биз "газитчи" (ўзининг таъбири)лардан нолиб қолди:

— Жўра, хафа бўлмайсану, мустақилликни булбулнинг тумшуғидай нарсага ҳам тиркайвериб, хўп арзон нарсага айлантириб юбордиларинг-да. Мен Воҳид муаллимни жуда яхши кўраман. Ақли бутун одам. Гурунгини кўп оламан. Шу киши айтадики, мустақиллик қанчаларнинг қони-жони эвазига келган, деб. Ҳақ гап. Қон билан жон аралашган нарса муқаддас бўлади. Шунинг учун мукаддас нарсани билиб-билмай ишлатавериш инсофданми? Президентимиз телевизорда яхши гап айтдилар. Мустақилликни шиорбозликка айлантириб, халқнинг меъдасига тегмаслик керак.

— Хўп, ўзинг мустақилликни қандай тушунасан?

— Биласан, мен оми одамман. Ўн синфгина маълумотим бор. Муҳбирларинг ёзаётгандай чиройли таърифлаб беролмайман. Мустақиллик — қилаётган ишларимда. Мана шундай имкониятлар бўлмаганда, ҳозирги ишларимга йўл бўлсин эди. Қишлоғимиздаги хоҳлаган одамингдан сўра. Мустақиллик ҳақида гапириб беринглар дегин. Бирортаси қойил қилиб гапириб беролмайди. Тушунмаганидан эмас. Ортиқча, чиройли сўзларни ёқтиришмайди, холос. Улар нақдини маъқул кўришади. Нақди эса ҳаётнинг ўзида мана-ман деб кўриниб турибди. Ҳажга йўл очилдими, очилди. Қанчадан-қанча маросимларимиз тикланди. Катагонга учраганларнинг номи оқланяпти. Ҳаммадан зўри эса ишлашга имкон яратилди. Халқ ана шу имкониятлардан фойдаланиб, ишлаяпти. Бирини икки қилаяпти. Демак, халқ мустақилликнинг нималигини тушунган. Шунинг учун сенинг баландпарвоз шиорларингу ҳавойи сўзларинг унга чикора?!

Қарасам, жуда жўяли гапларни айтди, менинг "омигина" дўстим. Ҳақиқатнинг ёнғоғини шундоқ чақиб кўя қолди. Шуларни ёз, деди менга.

Мен ҳам у чаққан ёнғоқнинг мағзини чиқариб олишга ҳаракат қилдим.

Ривоят

Ровийларнинг нақл қилишича, қадимулайёмда, Иркшитом деган томонда бир тепалик бор экан. Халқ уни "Манзартепа" деб атаркан. Бус-бутун "манзар" деб аталмиш ўсимлик қоплаб ётгани учун. Баҳор оёқлаши билан қир этагидаги қишлоқни манзарнинг момақаймоқ гулига ўхшаган гули тутиб кетаркан. Бир гал қўнган ўсимлик қуриб қолаверяркан. Халқ ундан қутулишга кўп уринибди. Тепаликни омочлаб ташлашибди. Ўт қўйишибди. Бироқ, ҳар баҳор шу ҳолат такрорланаверибди. Охири тоқати тоқ бўлган халқ тоғнинг нариги ёғини ватан тутибди. Иттифоқо, бу ернинг одамлари тоғ пистаси — махсарни сотиб тирикчилик қилар экан. "Чекингга тушгандан чекирма" деганларидек, улар ҳам шу неъмат билан тирикчилик қилишга ўтишибди. Аммо, бирортаси ҳам махсарни емасмиш. Бор-йўғи манзар билан уйқашлиги учун.

Халқнинг ўзи — ҳакам

Фрейдда бир аксиома бор. Солиштириш савқияси деган. Одамзод ҳар бир нарсани ўзининг манфаати тарозисида ўлчаб солиштиради.

Халқ шўро замонини кўрди. Унинг бор бурду – бохтида яшади. Халқ яна мустақилликни ҳам кўрди. Шўро замонидан фарқли ўлароқ, у берган имкониятлар ичра яшаяпти.

Фрейд айтган ўша савқия аллақачон ишга тушиб кетган. Халқ кечаси ва бугунини обдон солиштириб бўлди. Бугуннинг афзалликларини билди. Унинг меҳнатида, қилаётган ишларида кўриниб турибди, бу. Шу боис, ҳар қандай шиорбозлик, расмиятчилик халқ учун ортиқча. Саракни саракка, пучакни пучакка ажратиб олади у. Чунки унда савқи табий мавжуд. Бу туйғу эса ҳеч қачон алдамайди.

Ривоят

Қамчисидан қон томувчи Билужистон шоҳи жаҳоннинг саккизинчи мўъжизасини барпо этмоққа киришибди. Етти иқлимдан олган асирларни бу ерда ишлата бошлабди. Териси устихонига ёпишган, мажолсиз қуллар узоқдан харсанг ташир, тупроқ қазир, баландликка тош кўтариб чиқар эдилар. Улар шому саҳар заҳмат чекиб, тунлари чивинга таланар эканлар. Энг мудҳиш, бу беватан бечоралар орасида номаълум бир касал тарқалибди. Қуллар шунча кўп қирилмоқда эканки, шоҳнинг ўзи ҳам таҳликага тушибди.

Билужистонга Форобий келганини эшитган шоҳ, охирги умид шундан деб, уни саройга чорлабди.

— Бизнинг содиқ қулларимизга қирғин келибди, унинг давосини топиб, офатга барҳам бергайсан, — дебди шоҳ.

— Биламан, шоҳ, — дебди Форобий, — бу Ватанни соғиниш, фироқ дарди.

Шундай дея устоди соний қуллар ичига кетди. Бир кеча у қўйнидан най олиб, нола машқ қилди. Бу наво юракларни талпинтирар, ҳар кимнинг айтолмай юрган мунгли туйғуларини ҳикоя қилар эди. Бу товушлар аввал фарёддек эшитилди. Аммо сўнгроқ қуллар Форобийдан: "юртимизни намоён этдинг, устод!" дея илтимос қиладиган бўлдилар. Рангларига қон югурди. Улар наво гўзаллигида намоён бўладиган Ватанга кўникдилар, кўндилар. Ажал офати чекинди.

Най навосидаги Ватан

Бугун катта авлод қалбида ҳам Мустақиллик бор(бу ҳақида юқорида айтдик). Ёш авлод қалбида ҳам бор, бу тушунча. Асосий масала, бу тушунчани бўйлик-бастлик туйғуга айлантиришда. Мана, ривоятни олайлик. Асирлар ҳар кун "Ватан, Ватан" дея нола чекишган. Бироқ, бу уларнинг кўнглига таскин бермаган. Чунки улар қуруқ сўзлар эди. Фақат Форобий найининг навосигина бу сўзларни, аввало, улкан бир туйғуга айлантирди. Кейин Ватанни бўй-басти билан намоён қилди, қалбларда.

Мустақиллик туйғуси ҳам худди шундай. Бу туйғуни шакллантиришда қуруқ шиору риторика иш бермайди. Бунинг учун бир най керак, Форобийники каби. Эндиги масала шундай "най"ни топишда.

Асқар ШОКИР



Сен Ватаннинг умидисан!

Таклиф

"ОИЛА БАЙРАМИ" БЕЛГИЛАНСА...

Жамиятни эркинлаштириш жараёни, давлат корхоналарининг хусусийлаштирилиши, кичик ва ўрта бизнес субъектларининг кўпайиши, нодавлат секторининг ривожланиши ва бошқа жараёнлар олдингидек аҳолининг уюшган меҳнат жамоасининг барҳам топишига сабаб бўлмоқда. Меҳнат жамоалари кичик ва кўп ҳолларда оилавий шаклга эга бўлиб бормоқда. Бу жараён ўз навбатида, асосий эътиборни оилаларга қаратишни тақозо қилмоқда, чунки муҳтарам Президентимиз ҳам оила фаровонлигини ошириш ислоҳотларимизнинг пировард мақсади эканлиги хусусида қайта-қайта таъкидламоқдалар.

Оилага эътибор бир томондан унинг фаровонлигини оширса, иккинчи томондан эса, масъулиятини ҳам кучайтиради. Шундай экан, оилани жамиятнинг асосий таянч нуқтасига айлантириш лозим. Фанга оила иқтисодиёти, оила маънавияти, оила психологияси каби фанларни киритиш билан бирга байрамларнинг ҳам биттасини оила байрами, деб эълон қилиш лозим, деб ўйлаймиз.

Республикамизнинг туман, шаҳар ва вилоятларида йилнинг битта кунини "Оила байрами" учун ажратиш мақсадга мувофиқ. Бу тажриба "Оила" йилида Фарғона водийси вилоятларида ўтказиб кўрилган. Бу тадбир ҳар оилани ўзига қарашига, бошқаларга солиштиришга, ўз-ўзини таҳлил қилишга ундайди. Хонадон тутуми, кўча тутуми, маҳалла аҳволи ҳақида ўйлашга, камчиликларини тузатишга, оммавий кўтаринкилик билан ободончилик ишларини бунёд қилишга ёрдам беради. Президентимиз таъкидлаганидек, инсоний ва умуминсоний қадриятларни шаклланишига амалий ёрдам беради. Бу борада республика "Маънавият ва маърифат" маркази ҳам яхши ташаббус билан чиқдилар ва оила байрамини ўтказишнинг намунавий тартибини ҳам кўрсатиб берди.

Ушбу байрам куни жойлардаги энг табаррук инсонлар йўқланади, қирқ йил, эллик йил биргаликда қўша қариб келаётган ибратли оилаларга алоҳида эътибор берилади.Уларнинг айрим намояндалари маҳалла тавсиясига биноан туман, шаҳар, вилоят ҳокимликларида қабул қилиниб, совға-салом билан қутлаш маросимлари ўтказилади.

Ушбу байрамда энг яхши хонадон, энг яхши маҳалла, энг яхши туман тақдирланади. Бу учун шарт қилиб ажралишлар, кўча, маҳалла, туман ободончилиги, ҳудудида содир бўлган жиноятчилик, танбеҳ эшитишлар кам чиққани нуқтаи-назаридан бошқаларга ўрнак бўладиган томонлари ҳисобга олинади. Маҳаллаларнинг, гузарларнинг аҳолига қай даражада хизмат қилаётгани, кўкламзорлиги, кўримлиги каби жиҳатлари ҳам маҳалланинг фаолиятини баҳолаганда инобатга олиниши лозим.

"Оила байрами" куни туғилган болаларга, "Оила байрами" арафасида ёки байрам куни никоҳдан ўтган ёшларга маҳаллий ҳокимият ҳамда маънавият ва маърифат бўлимларининг табрикномалари топширилса, нур устига аъло нур бўлади. Ушбу байрам кунида оилавий санъат дасталари концерт бериб улар ўртасида танловлар ўтказилса, ғолиблар аниқланса оилавий санъат дасталарининг ҳам ривож топишига омил бўлади.

Ҳунарманд оилаларнинг кўргазмалари ташкил этилади, унда улар ишлаб чиққан маҳсулотларнинг сотилиши ташкил қилинади.

Ўзи бошқа илмни эгаллаган бўлса ҳам, ота-бобосидан қолган ҳунарни давом эттириб келаётганларга, ҳамма фарзандига ҳунар беришга муваффақ бўлган оилаларга алоҳида рағбат совғалари топширилади.

Оилавий байрамда эришилган муваффақиятлар оммавий ахборот воситалари орқали узлуксиз бериб борилса, ҳар бир оиланинг маънавий юксалиши, ўзига эътибор бериш масъулиятининг ошишига эришиш мумкин. Бу тадбирлар, пировардида, оиланинг иқтисодий, маънавий ва интеллектуал бойлигини таъминлаган бўлар эди.

Мамаюнус ПАРДАЕВ,
Самарқанд вилояти "Маънавият ва маърифат" бўлими раҳбари

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Ҳуррият" мухбири

Истак

Ҳозир телеэкранда намойиш этилаётган "Эсмералда" сериалини республикада, қолаверса, қўшни минтақаларда кўплар қизиқиб томоша қиляптилар. Ўзга дин вакилларининг ҳаёти, айниқса, ўз динларига бўлган эътиқоди кино мухлисларининг назаридан четда қолмаса керак. Қани эди, биз ҳам айнан шу масалада диққатли бўлсак, эришишни таълим қилади. Маълумки, ҳар бир инсон, у қайси дин вакили бўлмасин — илоҳий қудратга муҳтож. Чунки дин яшаш тарзимиздир. Қалбида иймони бор киши бунга бефарқ қарамайди.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мустақиллик бизга улкан неъматлар ҳадя этди. 11 йил олдинги қарашлар билан

МАЪНАВИЯТ ЧАШМАСИ — ИСТИҚЛОЛ ТУҲФАСИ

яъни, ўз динимизга ихлосли, муҳаббатли бўлиб, ўз миллий қиёфамизни сақлашга уринсак, диний ҳаётимизни ҳурмат қилсак!

Уларнинг ҳаёти бизнинг яшаш тарзимиздан тубдан фарқ қилса-да, негадир кўпчилик уларга ҳавас билан қарайди. Шу билан бирга асрлар давомида яшаб келган тўғри эътиқодимизга баъзан салбий таъсир қилиб, баъзи тушунмовчилик ва фитналарга сабаб бўлиш эҳтимолини ҳам яшириб бўлмайди. Бу эса ўз-ўзидан диний билимларимизнинг камлигидан, маҳрумлик йиллар давомида бизни не кўйларга солганидан, муқаддас динимизнинг бекиёс гўзал жиҳатларини яхши билмаслигимиздан дарак беради.

Ҳар йили муборак Рамазон ойида телевидение орқали ўтган азиз-авлиёлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи ажойиб кинолар намойиш этиларди. Улар барча учун таъсирли бўлиб, кишини тафаккурга ундайди, ҳар томонлама ўйлаб иш қилишга, пок яшашга ўргатарди. Чунки ислом оламида ўтган азиз сиймолар ибрати миллий ёки жуғрофий чегаралар билан белгиланмайди. Уларнинг нурли ҳаёти бутун инсоният учун ибратлидир. Истиқлол туҳфаси бўлган ана шундай кинолар тез-тез намойиш этилса, руҳи чанқоқ кишиларимизга маънавий озуқа бўларди. Ислом дини ҳеч қачон ёмонликка буюрмайди. Аксинча, у инсонга икки жаҳон бахт-саодатига ҳозирги қарашлар тамоман бошқа-бошқа. Ана шунинг учун ҳам мустақилликни қадрлайман. У ҳақиқий маънода маънавиятимизга улкан бир покиза чашмани очиб бердики, биз бу чашманинг сувидан ичиб, атрофга огоҳлик билан назар ташлайлик. Муқаддас динимизга раҳна солиб турганларга нисбатан илм-маърифатимиз, пок эътиқодимиз, гўзал ахлоқимиз ва динимизга бўлган муҳаббатимиз билан муомала қилсак, шубҳасиз, уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди. Шунинг учун ҳам халқимиз динни, диний ҳаётни тўғри ёритиб бера оладиган кинофилмларга муҳтож.

Ўз юртимиздан етишиб чиққан азиз сиймолар, буюк муҳаддислар ва алломалар ҳақида ҳам ҳар қандай мафкуравий маҳдудликдан холи, ҳаққоний, илмий-маърифий ва бадиий жиҳатдан баркамол филмлар ишланса, халқимизнинг маънавий эҳтиёжларига оқилона жавоб берган бўлади. Кино бу — ҳаёт манзараси. Уни кўргандан кейин инсон руҳиятида ўзгариш пайдо бўлади, таъсирланади, ўз ҳаёти ҳам гўзал ва маъноли бўлишини тасаввур қилади. Миллий қиёфамизни унутмайлик. Бунинг учун эса телеэкранлар орқали намойиш этилаётган сериаллар ҳам миллий-маънавий талабларга жавоб бериши керак.

Иноят УБАЙДУЛЛАЕВА

Нашр

"ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТИ" — ЎЗИМИЗНИНГ ЖУРНАЛ!

Истиқлол байрами арафасида "Ўзбекистон матбуоти" журналининг янги сони босмадан чиқди. "Матуотда бурилиш палласи" мақоласида журнал бош муҳаррири Х.Дўстмуҳаммад шундай мулоҳаза юритади: "Мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият сафидан муносиб ўрин эгаллаши ОАВ муаммоларининг оқилона ҳал этилишига, жамиятда сўз эркинлигини тўла таъмин этишга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Тўғри, бу борада муайян ишлар қилинди, бироқ қилинмаганлари кўпроқ."

Журналнинг расмий хабарлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табриги билан бир ўринда "Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган.

"ОАВ эркинлиги: қонун одоби ва одоб қонунлари" мақоласида журналист-тадқиқотчи Р.Маҳкамов журналистнинг касб одобидан баҳс-мунозара юритади. Мақолада муаллиф жумладан шундай дейди: "...биз цензурани ман этдик, аммо ундан қутулганимиз йўқ. Гап ҳам таҳририят фаолиятига ташқаридан аралашиш ҳақида, ҳам мақолалар мазмунига таҳририят раҳбарлари, аксарият ҳолларда журналистларнинг ўзи киритадиган тузатишлар амалиёти ҳақида бормоқда. "Ички цензура" нима эканлигини уларнинг ҳаммаси яхши билади. Лекин шу тушунчани уларнинг ҳар бири ўзи билганича талқин этади".

А.Набиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист И.Норматов ва бошқалар ҳам шу мавзу теварагидаги мулоҳазаларини журналхонлар билан ўртоқлашишган.

Шунингдек, мухлислар Гулистон Давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор А.Парпиевнинг журнал мухбирининг саволларига берган жавоблари билан танишадилар.

"Ўзбекистон матбуоти" журналининг бу галги меҳмони эл орасида кундан-кун қўлма-қўл бўлиб бораётган "Ҳидоят" журнали бўлган.

Таниқли радиожурналист М.Муҳамедова "Машъал" дирекцияси мисолида радионинг кундалик ҳаётимиздаги аҳамиятига урғу беради. Тадқиқотчи олим ва талабаларнинг журнал саҳифаларини безаган бир-биридан қизиқарли мақолалари журналхонларни бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Бироқ "Ночор яшагим келмайди!" дея тан олган бойвачча журналистнинг икрорномасини ўқиган ҳамкасбларимиз шундоғам машаққатли ва серғалва бўлган касбимиз, тақдирини шу касб билан боғлаган кишилар обрўйси, қадр-қимматини кўтара олган муаллифга ҳавас қилсалар не ажаб?!.

Журнал саҳифаларидан жой олган ҳикоя, мансура ва ичакузди латифаларни мутолаа қиларкансиз, кетган вақтингизга сираям ачинмайсиз! Ўзимизнинг "Ўзбекистон матбуоти"ни ўқишга шошилинг!

Ф.КОМРОН

Парламент

ҚОНУН ЯНГИЛАНАСА...

фуқарога қандай наф бериши мумкин?

Мухбиримиз сессия муҳокамасига "Фуқаролларнинг мурожаатлари тўғрисида" Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини киритган Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал САИДОВга ана шундай савол билан мурожаат қилди.

— Саволингизга тўғридан-тўғри жавоб бериш учун гапни амалдаги Қонун билан янги таҳрирдаги Қонун лойиҳаси ўртасидаги умумий жиҳатлар ва фарқлардан бошлашга тўғри келади. Лойиҳада амалдаги Қонундан ўрин олган коцептуал қоидалар, тартибга солиш предмети, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар сақлаб қолинди. Агар амалдаги Қонунда 18 та модда бўлса, лойиҳа 5 та бўлимга ажратилган, унда 26 та модда бор. Шулардан 7 таси биринчи марта акс эттирилмоқда. Амалдаги Қонуннинг 11 та моддасига жиддий таҳририй ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Лойиҳада амалда бўлган Қонунни бажариш амалиётидан ва шу куннинг талабларидан келиб чиқиб бир қанча янги ҳолатлар кўрсатилган. Амалдаги Қонун бўйича унинг тартибга солиш предметига давлат органлари билан бир қаторда мулк шаклидан қатъи назар нодавлат ташкилотлар, яъни жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассаса ва ташкилотлар кирар эди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари, жумладан, уларнинг ўз ваколатлари доирасидаги масалаларни ўзлари мустақил ҳал этишлари ҳисобга олиниб, лойиҳадан фуқароларнинг бундай ташкилотларга мурожаат қилиш ва уни тартибга солиш муносабатлари чиқариб ташланди. Демакки, мазкур лойиҳа билан фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилиш ва бу мурожаатларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалалар тартибга солинади.

Лойиҳада фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятларини қабул қилиб оладиган ва кўриб чиқадиган давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулият ва имкониятлари бирмунча оширилди. Жумладан, Лойиҳанинг 16-моддаси 1-қисмига кўра, эндиликда "мурожаатларни кўриб чиқиш учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш... маън этилади".

лойиҳанинг 18-моддаси 2-қисмига кўра эса "мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл этадиган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятларини таъминлашлари шарт".

Лойиҳага мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган "Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда қабул қилинадиган чора-тадбирлар" деб номланувчи янги модда қўшилган бўлиб, унга биноан "Давлат органлари фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда ғайриқонуний ҳаракатларнинг(ҳаракатсизликнинг) дарҳол олдини олишга доир чора-тадбирлар кўришлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келаётган сабаблар ва шароитларни аниқлашлари, мурожаат қилганликлари муносабати билан фуқароларга таъқиб қилинишининг белгиланган тартибда олдини олишлари шарт".

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятларини кўриб чиқишда давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилганлиги ҳолатини лойиҳанинг 24-моддасида ҳам кўриш мумкин.

Агар амалдаги Қонунга кўра, фуқаронинг аризаси ёки шикояти қаноатлантирилган тақдирда ана шу мурожаат бўйича ғайриқонуний қарор қабул қилган давлат органи фуқарога етказилган моддий зарарни қоплайдиган бўлса, лойиҳанинг 24-моддаси биринчи қисмида "Маънавий зиён ҳам фуқаронинг аризасига биноан унга суд тартибида компенсация қилинади", деб кўрсатилган. Бундан ташқари, лойиҳанинг 24-моддаси 2 қисмида янги ҳолат сифатида фуқаронинг аризаси ёки шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан фуқарога етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида давлат органлари томонидан тўланган маблағлар айбдор мансабдор шахсдан регресс (қарши даъво) тартибида ундириб олиниши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Лойиҳада, юқорида таъкидлаганимиздек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқадиган мансабдор шахсларнинг масъулияти оширилиши билан бирга уларнинг шу масалада имкониятлари ҳам бирмунча кенгайтирилган. Масалан, лойиҳанинг 16-моддаси, 2,4-қисмларига мувофиқ давлат органининг мансабдор шахси фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқаётганида уларга тегишли бўлган қўшимча ахборотлар тўплаши, зарур ҳолларда мурожаатни мурожаат қилинган жойга бориб кўриб чиқиши, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки унинг вакилини чақириши мумкин.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасида акс эттирилган бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатларини мустаҳкамлаш ва улар мурожаатлари кўриб чиқилиши жараёнида шахсан иштирок этишларига оид процессуал масалаларга тааллуқлидир. Жумладан, лойиҳа фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқининг кафолатларини оширишга қаратилган иккита янги модда билан бойитилган. Чунончи, унинг 9-моддасида "Фуқаролар мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда ихтиёрий" ва 10-моддасида "Фуқаролар мурожаат эиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги" каби янги кафолатлар берилган.

Лойиҳанинг 18-моддаси мурожаатлари кўриб чиқилиши жараёнида фуқароларнинг шахсан иштирок этиш ҳуқуқлари бирмунча кенгайтирилишини кўзда тутади. Унга биноан фуқаро мурожаат давлат органида кўриб чиқилаётганда ўз важларини шахсан баён этиш ва изоҳ бериш, қўшимча материаллар тақдим этиш, адвокат ёки ўз вакилидан фойдаланиш билан бир қаторда "Мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш" ҳуқуқига ҳам эга бўлади.

Лойиҳада фуқароларнинг ҳуқуқлари янада тўлиқроқ кафолатланиш билан бирга масъулияти ҳам кучайтирилди. Масалан, 5-модда "Мурожаатда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга имзо қўйиш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади" деб кўрсатилган. Шахсий имзо қўйилмаган мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

Юқорида айтиб ўтилган ҳолатлардан ташқари лойиҳада яна бир қанча таҳририй ўзгаришлар борки, уларнинг киритилиши мамлакатимизда кейинги вақтларда қабул қилинаётган қонунлар талабига мос келади.

"Ҳуррият" мухбири М.НОСИРОВ ёзиб олди.

Кузатув

СОТУВЧИ ХАРИДОРНИНГ ҲАҚИДАН ҚАНДАЙ УРИБ ҚОЛАДИ

ёхуд унинг сабаблари ҳақида

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша паст-баланди, қулай ва қийин томонлари бўлиши табиий. Жумладан, сотувчилик касби ҳам. Сотувчилик аввало, ҳисоб- китобли иш. Ҳисоб-китобни яхши билиш унинг энг биринчи талаби. Фақат савдо омборлари ёки базалари билан эмас, харидор билан ҳам ҳисоб-китоб жойида бўлмоғи лозим. Ҳозирги пайтда бўладиган кўпгина мунозаралар, тортишувлар, баҳслар, ҳаттоки айрим дилхираликлар харидор билан сотувчи ўртасидаги олди-бердидан келиб чиқади.

Яқинда хизмат юзасидан Сариосиё туманига қарашли "Шарғунсавдо" ҳиссадорлик жамиятининг йиғилишида бўлдим. Унда жамият аъзоларидан айримлари айнан шу хусусда гапиришди. Сотувчиларни тўғридан-тўғри юлғичга чиқариб қўйганлар ҳам бўлди. Нега шундай? Бу ўринда бир савол туғилади: магазинчи нега харидорнинг ҳақидан уриб қолади ва магазинчининг кўплари юлғич, деган гап тўғрими?

Албатта, тўғри. Ҳа, ҳақиқатдан кўз юммаслигимиз керак. Бунинг айрим сабаблари бор. Айтайлик, озиқ-овқат магазинларига ун, шакар, гуруч халталари, чой яшиклари, шиша яшиклари ўта юқори нархда кирим қилинади. Лекин негадир ушбу нарсалар ўша нарх билан чиқим қилинмайди. Кирим билан чиқим ўртасидаги фарқнинг жабрини сотувчи тортади. Эртанги бўладиган тафтишлар чув тушмаслик учун у бу жабрни бир ўзи эмас, харидор билан бирга баҳам кўргиси келади.

Сариосиё туманимиздаги барча савдо ташкилотларида транспорт хизмати яхши эмас. Тегишли жойдан ун, қанд, мой, шакар, чой, туз, макарон, гуруч, совун каби маҳсулотларни олиб келмоқчи бўлган дўкон ёки омбор мудири, таъминотчилар ҳамиша ҳам транспорт воситаси билан таъминланавермайдилар. Бунинг устига дўконга маҳсулот олиб келган ҳайдовчилар бу қилган хизмати учун ҳам маош олади, ҳам сотувчилардан "улуш" таъма қилади. Кейин сотувчи нима қилсин, "улуш" бермайин деса, ҳайдовчига эртага ҳам иши тушади. На чора беради, сўнг, ўша "улуш"ни харидор ҳақидан "текислайди". Савдо базаларининг чалғитишга бориб етадиган ҳаракатлар, кўнгил хираликлар тез-тез учраб туради. Оқибатда ким ёмон? Сотувчи ёмон. Тўғриси, инсофсиз, нафси ҳакалак, беш панжасини оғзига тиқкан, харидор ҳақига хиёнат қилишга ўрганиб қолган сотувчиларнинг борлигини яширишга ҳожат йўқ. Бундайларнинг пайини албатта, кесиб қўйган маъқул. Айни пайтда сотувчининг тўғри ишлаши учун шароит яратиб беришни ҳам жиддий ўйлаб кўриш вақти етиб келмадимикин?

Савдодаги бозор иқтисодиёти негизининг асли мана шу. Сотувчилик ҳалол қўл, дили пок, ширинсухан одамнинг касби. Яхши ишлаганни эл билади. Одамларнинг ҳурматини, эътиборини қозониш эса касбини эъзозлаш ўзлигини қадрлаш ва шарафлаш билан баробардир.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани



«Ўзсаноатқурилишбанк»

акциядорлик тижорат банки

Азиз ватандошларимизни

ИСТИҚЛОЛНИНГ
11 ЙИЛЛИК ТЎЙИ БИЛАН

самимий муборакбод этади!

Дастурхонингиздан файзу барака,
оилангиздан тинчлик-тотувлик
аримасин, мухтарам юртдошлар!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АВТОЙЎЛ БИРЛАШМАСИ

Азиз юртдошлар!
Мана, 11 йилдирки мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётнинг ойдин йўлидан одимлаб бормоқда. Жамиятимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар шубҳасиз ҳурликнинг, озодликнинг мевасидир.

Яқинлашиб келаётган улуғ истиқлол айёми билан эзгу ният соҳиби бўлган ватандошларимизни самимий қутлашдан бахтиёрмиз. Ва мустақилликнинг мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз янада босамар бўлишига тилакдошмиз. Порлоқ йўллар элларни, эллар қувноқ дилларни боғлайверсин!



ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИДАГИ

«ЕМЕК»

ҚЎШМА КОРХОНА

РАҲБАРИЯТИ ВА ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини буюк Истиқлолнинг 11 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг улкан самаралар келтираётганининг гувоҳимиз, мамлакатингиз жуда оз фурсатда тараққиёт поғоналарига чиқиб олганини олқишлаймиз.

Ушбу тарихий даврда қўшма корхонамизнинг баҳоли қудрат иштирок этаётгани, оз бўлса-да, ўз улушини қўшаётгани бизни беҳад қувонтиради.

Ушбу айём билан қутлар эканмиз, барчангизнинг хонадонингизга тинчлик, осойишталик ва қут-барака тилаймиз. Икки қардош халқнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги умрбоқий ва ажралмас қадриятларимиздек тароватли бўлсин.



Сизнинг улуғвор мақсадингизга тилакдошмиз ва ҳаргиз дўстлик ришталарини боғлашдан миннатдормиз.

«ТОШКЕНТТАДҚИҚОТ» ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИК ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

Ватанимиз истиқлолини мустаҳкамлаш, уни жаҳоннинг пешқадам мамлакатларидан бирига айлантиришдек эзгу ният ила яшаётган барча олижаноб ҳамюртларимизни қутлуғ байрам — Мустақиллигимизнинг 11 йиллиги билан табриклайди.

Хонадонингизни файзу-шукуҳ, қалбингизни юрт ишқи тарк этмасин!

«ЗАМИНБАНК»

давлат акциядорлик ипотека банки

Ўн бир йилдан буён эрку озодлик нашъасидан баҳраманд бўлиб келаётган Ўзбекистон аҳлини улуғ байрам билан муборакбод этади. Буюк давлат қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатингизни

Аллоҳ самарали қилсин, азиз ҳамюртлар!



Ўзбекистон—Британия ҳамкорлигидаги

«RASTR»

қўшма корхонаси

буюк Истиқлолнинг 11 йиллигини фахр ва қувонч билан кутиб олаётган ҳар бир ватандошимизни сидқидилдан муборакбод этади.
Илму маърифатга хизмат қилувчи корхонамиз Сизнинг хизматингизни аъло даражада бажаришга шайлигини билдираркан, юртимиз ҳамиша мана шундай тинч ва осуда бўлишини тилайди.

Байрамингиз муборак азизлар!



«ЎЗПАРРАНДАСАНОАТ»

уюшмаси

Она Ўзбекистон халқини миллий байрам-

мустақиллигимизнинг

11 йиллиги билан

самимий муборакбод этади!

Мустақил ватанимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшаётган ҳар бир инсонга соғлик, бахт-иқбол ва эзгу ишларида файзу барака тилаймиз!

РЕСПУБЛИКА АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«АЛОҚАБАНК»И

Азиз ватандошларимизни шукуҳли истиқлолимизнинг 11 йиллиги билан муборакбод этади.

Қутлуғ байрам завқи ҳар бир юртдошимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

Истиқлол берган имкониятдан кенг фойдаланиб, Сиз азиз халқимизга беминнат хизмат қилишда давом этаверамиз.



«Алоқабанк» сизнинг ишончли ҳамкорингиз!



«ОҚСАРОЙ-ТЎҚИМАЧИ» LTD.

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ -ЯПОНИЯ

қўшма корхонаси

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
МАМЛАКАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
11 ЙИЛЛИГИ

билан чин юракдан
муборакбод этади!

Мамлакатларимиз ва халқларимиз
ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик
алоқалари абадий бўлсин!





ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ МУБОРАК!

Муҳтарам ватандошлар!

«ШЎРЧИДОНМАҲСУЛОТЛАРИ»

ҳиссадорлик жамияти

Сизларни озод Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 11 йиллик тўйи билан муборакбод этади.

Хирмонимиз донги, дастурхонимиз нонга тўлсин, истиқлол йўлидаги эзгу амалларимизга улкан зафарлар ёр бўлсин!

O'ZBEKTELEKOM
AKTSIYADORLIK KOMPANIYASI

Азиз юртдошлар!

«O'zbektelekom» акциядорлик компанияси сизларни миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги билан самимий қутлайди! Сизларга соғлик, бахт-саодат, ҳаётингиз олам-олам қувончларга тўлишини, озод Ватанимизнинг буюк келажаги ва халқимизнинг фаровонлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Истиқлол руҳи ватандошларимизга ҳамиша куч-ғайрат бағишласин!

Тошкент, 700000, Амир Темур кўчаси, 24
Тел.: 133-42-59, Факс: 136-01-88
E-mail: uztelekom@intal.uz
WWW.uztelekom.uz



ШАҲРИСАБЗКОНСЕРВА АЖ
«МЕВАЛАР КАМАЛАГИ»

корхонаси жамоаси

ВАТАНИМИЗ АҲЛИНИ
БУЮК ИСТИҚЛОЛНИНГ ЎН БИР ЙИЛЛИК ҚУТЛУҒ
ТЎЙИ БИЛАН
САМИМИЙ ТАБРИКЛАЙДИ!

БИЗНИНГ ШИОРИМИЗ:
ОНА ЮРТ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИНИ
СИЗ АЗИЗЛАРНИНГ БАЙРАМ ДАСТУРХОНИНГИЗГА
ТОРТИҚ ҚИЛИШДИР!

«Ўзбекчармпойабзал»
уюшмаси

Ўзбекистон халқини
мустақиллигининг
11 йиллиги билан табриклайди!

Бу гўзал
диёр осмони ҳар доим мусаффо, инсонлари
ҳамиша бахтиёр бўлишини тилайди!

Мамлакатимизнинг
куч-қудрати ва
салоҳияти
юксалаверсин!

Истиқлол айёмини ҳар йили
осойишталик ва шодлик
оғушида нишонлайлик!

BANK

«ТАДБИРКОРБАНК»

Республика акциядорлик тижорат банки

Озод Ватанимиз Мустақиллигининг 11 йиллиги билан барча юртдошларимизни самимий муборакбод этади.

Тадбиркорлик тараққиёт таянчи, юрт ободлиги, мўл-кўл даромад ва фаровонлик манбаидир. Ўзбек халқи тадбиркорликни севади, уни қадрлайди. Чунки бу касб унинг улуғ бобларидан қолган ўлмас меросдир. Бу мерос мустақиллик йилларида қайтадан қад ростлади, рағбат кўрди.

Ушбу қутлуғ айём билан Сиз, азизларни қутлар эканмиз, юртимизга тинчлик, тўкинлик, хонадонларга файзу барака, мустақиллигимизнинг абадий бўлишини тилаб қоламиз.

Бундан кейин ҳам юртимизнинг иқтисодий гуллаб-яшнашига, мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамизни қўшиб бораверамиз.

Қисмат

Ҳассос шоир, элимизнинг ардоқли фарзанди Шукрулло янги асарни ёзиб тугатганига ҳали кўп бўлгани йўқ. "Оғир кунлар севинчи" китобида шоир ва унинг умр йўлдоши бошидан кечирган гоҳ алам ва изтиробли, гоҳида севинч ва қувончга тўла дамлар тафсилоти қаламга олинган. Оғир ва рутубатли кунлардан ҳам шодлик излашдан чарчамай ойдин кунларга интилган икки вужуддаги бир қалб туғёнлари Сиз азиз газетхонларни бефарқ қолдирмайди.

Қуйида ҳали сиёҳи қуриб битмаган асардан олинган парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.

ТАҲРИРИЯТ.

ШУКРОНА

Ўғлим куда чақириқ қилган куни кечқурун бирданига чироқ ўчиб қолди. Ўтирган меҳмонлар мени хижолатдан чиқариш учун бирлари:

— Ёниб қолар, ёниб қолар, деса, бири — яхши бўлди, ким қанча қуйиб ичгани билинмайдиган бўлди, деб ҳазиллашди. Яна бири — бизларникида икки кундан бери газ йўқ, уйларимиз совуқ, — деб шикоятга ўтса, кимдир "Рўзингни сот, рўшнолик ол", деган. Бизлар электр печка ёқиб ўтирибмиз, — деб нолиди.

Ҳадеганда чироқ ёнабермади. Қўни-қўшнида ҳам шам топилмади шекилли, энди нима биландир меҳмонларни овутиш керак-ку.

Божам гапга аралашди:

— Бизларнинг ёшлигимизда газ, электрмас, ҳатто телевизор, радио ҳам бўлмаган-у, лекин жуда маза бўлган, мазалиги шунда бўлганки, товуқ қўноққа чиқмасдан ҳаммамиз тинчгина ётиб ухлаганмиз.

— Бизлар ҳам ҳозир шу ерда ётиб ухлайдиганга ўхшаймиз, — деди меҳмонлардан бири қоронғуда.

Уларнинг гаплари сабаб бўлиб бир воқеа эсимга тушиб қолди.

Сизлар, "Икки кундан бери газ йўқ", "Икки кундан бери электр печка ёқиб ўтирибмиз", деяпсизлар.

Уруш йиллари, қиш кунларидан бирида кўчадан келсам, хотиним Мунаввархон ўзида йўқ хурсанд, мени кўриши билан:

— Хурсандчилик, суюнчи беринг, — дейди. Менинг хаёлимга анчадан бери бола кўрмаган қариндошимиз оғир оёқ эди, шу туққан бўлса керак, деган нарса келиб, нима гап, десам у:

— Хурсандчилик, бугун мактабдан кўмирга ордер олдим, кўмир оладиган бўлдик, деса бўладими! Сизлар куласизлар-а!

— Ҳали кўмирнинг ўзи йўқку. Йўқ кўмирга хурсандчиликми?

— Ҳа, шундай! Ордерни ҳам у вақтларда ҳаммага беравермасди-да! Баъзан шунақа ҳам бўлардики, ордерга кўмир олгунингча қиш чиқиб кунлар исиб қоларди...

Бу гапимдан ўтирган меҳмонларнинг қоронғида кулганлари эшитиларди. Кулишларидан хурсанд эдим, чунки чироқ ёнгунча баъзилари ўринларидан туриб қолмасликлари учун овутиб туриш керак эди. Шунинг учун гарчанд бу воқеалар куладиган гап бўлмаса ҳам қўшилиб кулиб:

— Ўша йиллари уйида кўмири бор, танча-печкаси иссиқ одам бой ҳисобланарди. Шунақа, шунақа! Ахир, қиш-қировли кунларда ташқарида қор гупиллатиб турса, уйингдаги танча, печкаларинг писиллаб ётса, ўзинг дилдираб, унинг устига чироқ ёқишга керосинининг йўқ вақтда, сизларга ўхшаш меҳмонлар келиб қолса...

— Нима бўларди, ҳозиргидек қоронғи уйда бузоқ маъраp, деб ўтирабердик, — деди кимдир қоронғида.

— Сизлар газ бўлмаса, уйни электр печка ёқиб иситдик, дейсизлар, у вақтда хонадонлар у ёқда турсин, кўчаларда электр ўтказилмаган бўларди.

Меҳмонларнинг ичида ҳазилвонроғи:

— Унга сабаб бўлган... Энди у вақтда кўчадаги электрга ортиқча эҳтиёж бўлмаган. Нега десангиз, кўчаларда ҳозиргидек азонгача дайдиб юрадиганлар, қоқиладиган маст-аластлар ҳам бўлмаган бўлса керак-да! — деб кулги қилди.

— Жуда тўғри айтдингиз! Тўғри айтдингиз! Ҳақиқатан ҳам ўша уруш, очарчилик йиллари фақат кўмир, электр, газгина эмас, жуда кўп нарсалар бўлмаган. Лекин ўша очарчилик, қийинчилик йиллари ҳеч нарса билан, ҳатто олтин билан ҳам қадрини ўлчаб бўлмайдиган, битта — иккитагина жуда бебаҳо нарсалар бор бўлган.

Ҳозирги ёшлар билмайди, каттароқлар эслашса керак. Уруш йиллари керосин дўкони Тошкентнинг уч-тўрт жойида бўларди, бу дўконлар ҳаммани таъминлай олмасди. Шунинг учун маҳаллаларга бир ҳафта, икки ҳафтада аравакаш керосинчилар "керосин" деб карнайини чалиб келарди. Керосинчи келгунча, одамлар навбатлари ўрнига тешик челак, тош, ғишт, яна қандайдир белгилар қўйиб кетарди. Лекин орқадаги бирон одам, ўзининг эски челагини мен олдинроқ олай, деб бошқалардан олдинга қўйиб қўймасди. Одамлар оч, муҳтож бўлса ҳам мана шундай ҳайрон қоларлик ҳалоллик бор эди. Бир-бирига ҳурмат бор эди.

Бу — оғир кунларнинг қувончи эмасми!

Ўша оғир кунларнинг гувоҳи бўлган отам:

— Ўғлим, ўғирликка одамларни очлик бошламайди, эътиқодсизлик, гуноҳдан қўрқмаслик бошлайди, — дердилар.

— Отангиз жуда тўғри айтган эканлар, — деди ёши каттароқлардан бири.

— Бир қизиқ воқеанинг ўзим гувоҳи бўлганман. Бизларнинг маҳаллага ҳам керосин келганда, биттасининг идишига энди солган эдиям, тешигига пахта тиқиб қўйган эканми... — У гапини охирига етказмасдан ўтирганлардан баъзи бирларнинг хаёлига нималардир келди-ю, кулиб юборишди. У гапимни тушунтиролмадимми, дегандек ўша гапини яна бошқача қилиб "тешигига тиқиб қўйган пахтаси тушиб қолган эканми (яна кулги) шариллаб оқиб кетди. Улар нега кулганларига эътибор бермаганиданми, гапида давом этиб:

— Қўни-қўшнидан бошқа идиш олиб келгунча керосин тамом бўлди. Бечора энди нима қилсин? Одамларда инсоф бор экан, охирги керосинни олган одам, ўшанда ўзиникидан ярмини унга қуйиб берди. Бўлмаса ўзи муҳтож. Олган керосини ўзига етар-етмас эди.

Ана одамгарчилик! Оғир кунларнинг битта қувончи шу эди.

Оғир кунларда, йўқчиликда қувонч бўлса-ю, аммо, тўқчиликда қувонч бўлмасачи! Мана буниси даҳшат деса бўлади!

Ўтирганлардан бири бир ривоят айтиб берди.

Кунлардан бир кун ўзига ниҳоятда тўқ, ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, бадавлат танишини учратган камбағалроқ бир одам, уни бош эгиб, ўйчан ўтирганини кўриб:

— Бой ота, ҳамма нарсангиз етарли, ҳеч нарсадан муҳтожлигингиз йўқ, нега мунча хаёлга чўмиб қолдингиз, ғамгин кўринасиз, сизга нима етишмайди, ахир? — деса:

— Эй, биродар, ҳамма бало ҳамма нарсанинг етарли, мукаммал бўлганида! Орзу қиладиган нарсам қолмади. Севинч бу — ниманингдир истагида, орзусида яшаш ва унга етишмоқдан иборат. Орзу қиладиган нарсанг қолмагандан кейин, эй, биродар!.. — деган экан афсус билан.

Орзусиз яшаш бу тирик ўлмак-ку! Бундан ортиқ бахтсизлик борми инсон учун! Бу ривоятни эшитиб, беихтиёр — ҳамма нарсанг мукаммал бўлса-ю қувонч бўлмаса! Ахир, қамоқда ҳам қувонч бўлади-ку, — деган гап оғзимдан чиқиб кетди.

— Қамоқдаям қувонч, дедингизми?

— Ҳа!

— Ё товба!

— Бўлгандаям, яна қанақа денг! Менинг қамалганимни билмаганлар бу гапимдан бир дам ҳайратга тушиб:

— Қамоқда бўлган одамдек гапирдингиз-а! — деди.

— Ўзлари ҳақидаги "Кафансиз кўмилганлар"дан хабарингиз йўқми? — деди Шабатхон.

— Қамалганлари ростми? Ҳазилми?

Бу гапларни эшитишга менда тоқат борми? Қамоқ ҳақида бекор гапирибман, деб ўз гапимдан ўзим пушаймон бўлдим.

Хайрият чироқ лоп этиб ёнди-ю, ўтирганларнинг юзларига нур ёғилди. — Майли, бу гапларни қўяйлик. Чироқ учун, кунларимиз доим ёруғ бўлсин учун, — деб, ичмасам ҳам таклиф қилдим. Хурсандчилик билан ичилди, ейилди. Ашула ҳам эшитилди. Аммо ичкилик ўз таъсирини кўрсатди.

Одам нега ичади? Шунинг учунки, калламда айланиб ётган бир хил фикрни бироз чалғитиш, нимадандир кўнглим ранжиган бўлса кўнглимга хурсандчилик кирсин ёки нимадандир бахтиёр, хурсанд бўлган бўлса, бу камлик қилгандек, ичкилик ичса, бахти яна бисёр бўладигандек, ичади.

Бизнинг уйда ҳам худди шундай бўлди. Ичилган май сабаб бўлдими, меҳмонлардан айримлари ўзаро гаплашиб ўтириб:

— Кечирасиз. Илоҳим ёлғон бўлсин-у, сиздек одам нима сабаб бўлиб қамалгансиз! Агар шу рост бўлса, унда қамоқда ҳам қувонч бор, дедингиз. Қанақа қувонч?

— У ҳамма нарсадан зўр қувонч, — дедим. — Қамалганим сабабиға келсак...

Мен нима ҳам дейман. Миллатчи деб қамашган десам, миллатчилигингиз нима, дейди. Халқ душмани деб десам, нима душманлик қилгансиз, дейиши турган гап. Мени 25 йилга қамашганлари ҳақидаги ёқимсиз гапларни дастурхон устида узундан-узоқ гапириб ўтирмай, хаёлимга келган, ёд биладиган бир шеърни жавоб ўрнига ўтса керак, деб ўқиб бермоқчи бўлдим. Албатта, кўнгилсиз гапдан кўра нима бўлса ҳам шеър беғубор нарса. ҳар қандай мавзудаги шеър ҳам ашула эшитилганидек иштиёқ билан эшитилади. Шеърнинг сеҳри шунда! Турган гапки, шеърни, ашулани эшитмайдиган одам борми!

Бошларимда не савдо,
биласанми, эй, ёр!
Юрагимда не ғавғо,
биласанми, эй, ёр!
Гуноҳим мен шўрликнинг
надир, аён қилсанг-чи,
Кимдан менга не даъво
биласанми, эй ёр!

Дунёда алам борми,
гуноҳинг не билмасанг,
Гуноҳ борми бандага,
Аллоҳинг не билмасанг.
Арзингни кимга айтиб,
ахир кимга йиғлайсан,
Бу дардга қандай даво,
биласанми, эй ёр!

Тилинг бўлса-ю, аммо,
тилинг гапга келмаса,
Кўзинг очиқ бўлса-ю,
кўришдан наф бўлмаса,
Инсон бўлиб инсондек
дилингни ёролмасанг,
Бўлурми яшаш раво,
биласанми, эй, ёр!

Гуноҳинг ошкор бўлса,
тан олмоқ марднинг иши,
Дўст айбин ошкор этар
дўстга ишонган киши.
Дўст бўлиб дўст бўлмаса,
ғаним бўлиб ғаниминг,
Бу пинҳоний бир бало,
биласанми, эй, ёр!

Мана шу шеърдаги гапларни шўро ҳукумати даврида ёзиб бўлармиди? Буни совет даврида яшаган, 1937—1950 йиллар қама-қамаларини кўрган одамлар билади. Шеърдаги гапларни ўша замонда айтиб кўр-чи! Дастурхонга қаранглар, бу гапларни гапираберса, лекин ёшлар билиб қўйишсин, авваломбор бундай шеърлар босилмасди. Бирор нашриёт "ғафлат босиб" чиқаргудек бўлса, бу совет тузумидан нолиш, совет халқи турмушига "туҳмат", деб пессимизмда мени айбласа, нашриёт сиёсий кўрлик, хушёрликни қўлдан бой берганликда айбланарди. Кўнгилдаги бу дардларни ўша вақтда шеър қилмаган бўлсак ҳам, аммо, дардимиз ичимизда бўлган.

Айтиб бўлармиди! Овозингни чиқариб бўлармиди!

ШУКРУЛЛО

(Давоми бор)

Кечинма

ҲУРЛИК САБОҚЛАРИ

Ҳар ким эркин яшаш ҳуқуқига эга, бироқ ҳамма гап эркка муносиб яшашда.

* * *

Эркин яшашга ҳайвонлар ҳам интилади, аммо эркни яратиб яшаш фақат инсонга хос.

* * *

Яратиб яшашга интилмайдиган халқ учун ҳурлик ҳам мутеликдир.

* * *

Эркдан кейин ҳам эрк, ҳурликдан кейин ҳам ҳурлик излайдиган шоири ва файласуфлари йўқ миллатнинг озод яшашига ишонмайман.

* * *

Шоирлар ва донишмандлар эрк учун курашни касб-кор қилиб олмасалар, эрк душманларига мадҳлар тўқишни касбкор қилиб оладилар.

* * *

Яратган ишқини, ё яратилган эркини шарафлаган асарларгина ўткинчидан муқаддасни ажратиб мангулик қонунларига мувофиқ яшашга авлодларни даъват этиб келади.

* * *

Мангулик қаъридан яратишга даъват этаётган ҳаёт қўшиғини эшитишга қодир бўлмаган киши ўз руҳининг ҳам озод яшашга даъватларини эшитишга қодир эмас.

* * *

Руҳингни шумният даъватлардан, ўткинчи шиорлар ва сохта назарлардан холи қилмагунингча озод яшашинг душвор.

* * *

Ҳурликдан айрим тоифаларгина баҳраманд бўлса, билингки, аввал бошдаёқ ҳурлик ҳақидаги ўйлар ва режалар лағвона экан.

* * *

Масъулиятсиз киши балокашдек ёнидагиларнинг, агар у тождор бўлса, фуқароларининг бошига кўп мусибатлар солиши мумкин.

* * *

Масъулиятгина ўз эркини бошқалар эрки билан мувофиқлаштириб яшашга ундаб туради. Масъулиятсиз кишига берилган ҳурлик эса сўқир қўлига тутқазилган чироққа ўхшайди.

* * *

Ҳурликнинг ҳам ўз меъёри бор, у бошқаларнинг эркини эътироф этишдан бошланади. Меъёридан ошган ҳурлик эса кўпи медага тегадиган асалга ўхшайди.

* * *

Одам ҳатто ўй-хаёлларида ҳам мутлақ ҳур эмас.

* * *

Тўғри, мутлақ ҳур йўқ, аммо мутлақ ҳурликка интилувчи руҳ мавжуд. Акс ҳолда одамни мудом янги-янги нарсаларни излашга ва яратишга ҳеч нима мажбур этолмасди. Яшасин мутлақ ҳурликка интилувчи ижодкор инсон руҳи!

* * *

Руҳи озод зиндонда ҳам шод, руҳи банди жаннатда ҳам хор.

* * *

Ҳурликка яшаганларгина яна ҳурлик талаб этадилар, чокарлар эса ҳурликда ҳам бадхоҳларга тобеона хизмат қилаверадилар.

* * *

Банда ва бандазод ҳам ҳурлик истайди, аммо уларнинг ҳурлиги хўжаси инъом этадиган имкон доирасидадир.

* * *

Қарамликда эркинлик бурчдан, ҳурликда эса бурч эркинликдан аввал келади.

* * *

Кишининг ахлоқини юксалтиришга хизмат қилмаган эрк мутеликнинг давомидир. Демак, эрк ҳам ахлоқ доирасида ўлчанади ва ахлоққа хизмат қилганига қараб қадрланади.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори

“Алп Жамол банк”
хусусий очиқ турдаги акдциядорлик банки
Ўн бир йилдан буён эрку озодлик нашъасидан баҳраманд бўлиб келаётган Ўзбекистон аҳлини
энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллик куни билан муборакбод этади!
Буюк давлат қуриш йўлидаги
саъй-ҳаракатингизни
Аллоҳ самарали қилсин, дастурхонингиз ҳамиша тўкин бўлсин, азиз ҳамюртлар!

Эрон Ислом Жумҳурияти Миллий авиакомпанияси — “IRAN AIRWAYS”нинг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси
кўҳна замин аҳлини
Истиқлолнинг 11 йиллик байрами
билан самимий муборакбод этади.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЛҚИНИ
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН
САМИМИЙ ҚУТЛАЙМИЗ!
БРИТИШ АМЕРИКАН ТОБАКО ЎЗБЕКИСТОН
1994 йилдан Ўзбекистонда
BRITISH AMERICAN TOBACCO
Самаркандда ва Ургутда ишлаб чиқарилиш
Ўзбекистонда 1800 ходим

✓ Сабоқ

ЎҒЛИМГА МАКТУБЛАР

Орадан уч йил ўтди. Суҳбатимизни яна давом эттириш мавриди келганга ўхшайди. Умрим давомида юрагимни изтиробга солган дардларга сени ҳам шерик қилиш ниятим йўқ. Лекин, бу китоб иккимизнинг ҳаётимиз мобайнида ҳеч қачон тўхтаб қолмаслигига ишонаман. Баъзида ўзимни қанчалар ёлғиз ва ожиз сезган чоғларимда, турмушнинг турли-туман зарбаларига чап беришдан тоқатим тоқ бўлиб, бардошим етмай қолганда ўз юрагим билан ҳасратлашгим келади. Менга мана шу қоғоз ва қаламдан ўзга садоқатли дўст йўқлигини англайман. Шунинг учун ҳам ҳали ҳеч нарса қилиб улгуролмаган, елга соврилаётгандай бўлиб туюлаётган умримда ўзим ҳис қилган ҳақиқатларни айнан сенга айтаман. Мен учун бундан бошқа йўл йўқ. Сен менинг ҳаётим давомчисисан, умид ва орзуларимсан, сен менинг ўзимсан. Ўғлим, ёшим ўттиз тўртга етди. Ўзимни жуда кексайиб қолгандай ҳис қиламан. Ҳали қилмаган, аммо бутун борлиғимни оғриғу ҳаяжон билан қамраб олган навбатдаги асарим устида ишлаш, ёза бошлаш учун тайёргарлик кўриш учун куч-қудрат тополмаяпман. Кунлар лаҳзалардан ҳам қисқа тарзда ўтиб бораяпти. Кўнглим хотиржам эмас. Кундалик ҳаётнинг майда-чуйда ташвишлари ўз комига тортиб бораяпти. Мен ҳозир жуда аянчли аҳволдаман. Ўзимни йўқотиб қўйиш хавфи юрагимни сиқиб, азоб бераяпти. Ҳаётимнинг маъноси ижод, қоғоз-қалам билан ёлғиз қолиш эканлигини ҳис қила бошладим. Бу эҳтимол, менинг ўнгланиб олишим учун кўнглимга тушган ёруғликдир. Бироқ, ўз-ўзим билан курашиб, теграмдаги машмашалар гирдобида қолиб яшаш нақадар азоб эканлигини, ҳаёт билан андормон бўлиб ўзимдан узоқлашиб бораётганимни англаганим сайин бахтиқарорлик, ночор, нотавонлик дардига мубтало бўлгандайман.

Тўғри, ҳаёт қаршисида тик тура билиш, енгилмаслик деган тушунча инсонни иродали бўлишга чорлаган жарангдор шиорга ўхшайди. Қурашаётган ҳаётнинг синовлари ўта мазмунсиз, маънисиз бўлса, чиндан ҳам нотавонлик хасталиги бошингни емириб борадди.

Одамни ўзи (ўзлиги) унинг ичида бўлади. У ўша ботиндаги ўзини бошқаларга таниста олмаса, бошқаларнинг ўша ўзлик билан сариқ чақачалик иши бўлмай қолса, улар ўзларининг қарашлари билан бошқа бир одамнинг ботинидаги ҳақиқатни йўққа чиқара бошласалар, бу - чидаб бўлмайдиган ҳолат.

Мен ўзим билан ўзим ёлғиз яшашни, ботиндаги ўзимнинг измимда яшашни хоҳлаган эдим. Ҳаётнинг қўли баланд келди - хатти-ҳаракатларим зое кетаяпти. Бу ўринда энг аввало ўзимни айблайман. Мен атрофидаги муҳитни ўзим яратдим. Оиланинг муқаддас эканлигига шак келтирмаган ҳолда айтишим мумкинки, ҳеч қачон ҳеч ким сени ўзингчалик ардоқлай олмайди, севолмайди. Хатоим шу - шон-шуҳрат, мансабу мартаба, бойлик деган тушунчалар ҳеч қачон менинг атрофимдагилар кўнглига соя ташламайди, энг ёмони, улар менинг мана шу нимарсаларга қўл силкишимни ғирт аҳмоқлик деб тушунмайдилар, деган хом хаёлларга берилиб яшаган эканман. Яқинларингда бошқача кайфиятни сеза бошлаганинг сайин эса сувсизликда потирлаб жон таслим қилаётган балиқ сингари ҳаёт сахросида ич-ичингга ўт кетаркан.

Мен ҳозир, айни дам, сенга дилимни ёраётган чоғда рингда ҳар томонидан беаёв зарба еб, гандираклаб қолган боксчига ўхшайман. Икир-чикирларнинг муштига бардош бериш осон эмас. Бир куни қулатиши мумкин. Ҳаёт саҳнасида мустаҳкам туриш учун куч тополсайдим.

Энг яқин одамим (ҳар ҳолда уни шу пайтгача шундай деб тушунардим)га ўзимдан ташқари яна кўп нарсалар кераклигини фаҳмладим. Йўқ, мен бунга унчалик куйинмайман. Уша заруратга айланиб турган (масалан, пул, мартаба) нарсага мен туфайли эришишни истаган инсондан хафа бўлишим ўринсиз, албатта. Айниқса, ўз яқиним бўлган тақдирда ҳам. Энг даҳшатли томони, ўша савил қолгур бадавлатлик, мартабаю дабдабани мендан устун қўйсалар, агар шуларга эришмоқда менинг ҳиссам йўқлигини билишгач, кераксиз буюмдай назарга илмасалар чидаб бўлармиди?

Дейлик, сен севган одам (ёки аксинча) бир кун келиб “менга сен эмас, довруғинг ва топган тутганинг керак», деса ич-ичингдан ўксинасан, кўз ёшингни кўрсатмай йиғлайсан.

Демак, ўзингдан бошқа ҳеч ким овутолмаслигини ҳис қиласан. Сенгача бундай машмашалар қанчалаб одамларнинг бошига тушганини, ҳаёт саҳнасида қўйилаётган мазкур спектаклдаги ролни ижро этиш вақт ўтиб сенинг зиммангга тушганини, айнан ўша саҳнани бироз ўзгартирилган ҳолда, ўз ҳаётингга (оилангга) мослаб ижро этаётганингни фаҳмлай билсанг, Сен ҳам турмушнинг ўйинларига қўл силтаган бўлармидинг, хафсаласизлик билан қарармидинг?

Одам тушкунликка тушса, бошқаларнинг таҳқирлари (буни ҳолатга қараб англамоқ мумкин) ёки озорлари туйғуларини топтай бошласа, дўлдан кейин ер билан битта бўлиб лойга қоришиб тўкилган қизил атиргул сингари чилпарчин бўлган ҳиссиётлари учун ҳам нақадар қайғуга чўмишини тасаввур қилоласанми?

Нима бўлган тақдирда ҳам бирдан бир имконият ёлғизлик, кўнгил эрки, ўзни англаш ҳақиқати сари юз бура билиш деб тушунаман. Лекин юқорида айтганим, ҳодиса мени ҳоли-жонимга қўймасликка уринаркан ва мен буни - атрофимда бўлаётган савдойиликларга эътибор қаратаётган эканман, демак мен ҳали ёлғиз қола билмайманда-а, демак мен ўзимни тинглашни, кўнгил ҳақиқати измига ўтишни эплай олмайманда-а, демак, мен ёзувчи бўлиб шаклланмаган эканман.

Ҳаёт майдалашиб кетаётган экан, нега менинг ҳам иродам устунларига дарз кетиши керак? Нега менинг сунъий тоғларим емирилиши керак? Мен урушнинг инсонни минг бир таҳқирларга солиши, уни оддий бир кераксиз буюмдай, пошнаси тўкилиб, жағи айрилиб кетган пойабзал каби ахлатхона қутисига ирғитиб юборишини англаб улгурган ёзувчи сифатида, одам боласи нега бу ҳаётни ўта кераксиз орзу-истаклар қурбонрига айлантирмаса, деган ўйдан кўп бора эзилганман. Ҳозир ҳам шундай ҳолатдаман.

Мана, ўғлим, рўпарамда оқ қоғоз. Стол. Стол устида ёзув машинкаси... Мен ўлаётган одам ҳолатини, энг даҳшатлиси, ўн саккиз ёшида ўқ еган, лабидан қон сизиб, қонсиз юзи маъносиз қотган, тобора хиралашиб бораётган нигоҳларида нима учун, нега мен ўлишим керак, деган саволлар қотиб қолган ўсмирнинг изтиробига жавоб тополмай, ўлимнинг оғриғи зарбидан бошим тарс ёрилиб кетай деб турганда, қаршимга келиб: “Ҳаётда одамдай яшашимиз керак... Бой-бадавлат кун кўришимиз керак...” деб турсалар аҳволим қандай кечишини тасаввур қилиб кўр... Уша пайт: “Ахир биз ўлмаяпмизку...”, деган оддий, аммо, ер шарига юк бўладиган ҳақиқатни кўтариб турган шу гапим учун шаксиз мени жиннига чиқариб қўйишлари муқаррар... Ўққа учган уруш қурбонининг мусибатли саволларидан кўра кўнгилни эрмак деб билган кимсаларнинг ўта бемаънилик билан ҳаёт завқ-шавқи сари бошлагувчи гап-сўзлари, мартаба, бойлик учун йўл излашга ундагувчи пичингларини эшитиш дўзах ўтида ёниш билан баробарлигини тасаввур қилоласанми? Ўғлим, тўғри, инсон яхши яшаши керак... лекин қайси хизматлари эвазига? Энди бу жиддий масала?!

(Давоми 16-бетда)

✓ Матбуот

ГАЗЕТАЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ ТИКЛАШ КЕРАК

Бундай муносабат “нашр”лар ўртасидаги соғлом рақобатни кучайтиради.

Фарғона вилояти фахрийларининг “Меҳр ёғдуси”ни қариялargина эмас, ёшлар ҳам қўлдан қўймай ўқийдилар. Бунинг сабабини аниқлаш учун газета таҳламини варақласангиз бўлди. Унинг саҳифаларидаги таҳлилий, мушоҳадага чорловчи материалларни кўп ва хўб ўқийсиз.

“Ҳақиқатга айланган эртак” сарлавҳали мана бу очерк фермер Рустамжон Лукмоновнинг ютуқларига бағишланган. “Ҳар қайси тўқайнинг ўз бўриси овлайди” деган гап бор, — ўқиймиз очеркда. — Рустамжоннинг бу ерга келганига уч йил бўлган бўлса, чўлнинг оби-тобини, оғир-енгилини яхши билиб, дастини баланд қилиб иш юргизяпти. Фермерликда ана шундай юрагида ёли бор, дангал тадбиркорлар ишлаши керак...” Очерк муаллифлари уч йил ичида ҳосилдорлик 2,5-3 ҳисса кўтарилгани ҳақида гапириб, даромаднинг ҳам шу даражага ошганини таъкидлайдилар. Сабаби ҳамма дон уруғликка қабул қилинган. 1 килограмм уруғлик ғалла 150 сўмданга сотилмоқда. Ҳозирги 76 гектарнинг ҳар гектаридан ҳосил етмиш центнердан. Келгусида 100 центнердан ошириб ҳосил олиш мумкин экан. Фермер буғдойзори эса 110 гектарни ташкил этади.

Мени айниқса ички саҳифалардаги “Қалам ва калом” сарлавҳали материал қайратга солди. Рост гап узоқ йиллар матбуотда ишлаб, шу мавзуда ва шу йўсинда ёзилган материални ўқимаган эканман. Унинг бошланишидан баъзи сатрларни айнан келтираман: “Охунбобоев тумани бош имом-хатиби Турсунхоҳир ҳожи Эрбўтаев айтадиларки, олам аввалида қалам яралмиш. Аллоҳ барча ҳодисотлар, тақдиротларни Лавҳул Маҳфуз — очиқ китобга битиб қўймиш. Демакким, қалам ва битиклар Ҳақ таолонинг бандаларига улуғ неъмати ва ҳидоятидир”. Мақолада Қуръони каримнинг “Қалам” сурасидан оят келтирилади ва хулоса қилинадики, “Бас, Ислом илм дини, “Қуръон” илм китоби, Муҳаммад алайҳиссалом илм пайғамбари эканлигига шубҳа йўқдир”.

Мақолада диний манбалар асосида қаламкашлик, одамларга сўз айтиш масъулияти ҳақида ҳаққоний фикрлар баён этилиб, айрим нашрлар фаолиятидаги нуқсонлар таҳқид остигна олинган.

Саҳифалардаги “Ҳоким газетани ёқласа...”, “Зуваласи самимиятдан”; “Муҳаррирни эслаб” сарлавҳали материаллар ҳам қалам ва калом муқаддаслиги ҳақидаги фикрни қувватлайди. Истиқлол ғояларини, миллий мафкурани мустаҳкамлаш ва одамлар онгига сингдиришда қалам ва калом хизмати ҳақ эканлиги уқтирилади. Матбуот сўзининг таъсирчанлиги, унинг беқиёс қудрат кашф эта олиши ҳаётий мисолларда кўрсатилади. Ҳаёт ҳақиқатини юракдан ўтказиб битилган сатрлар “Қалам ва калом”да илгари сурилган ғояларга мос равишда жаранглаб тургандай.

“Кичик” нашрларнинг бундай чиқишларини “катта” нашрларда чоп этиб, кенг оммага “илиниш” анъанаси давом эттирилса, фойдадан холи бўлмас эди.

Бундай ижодий ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш соғлом рақобатни кучайтиради, ранг-баранг мавзуларни чуқур ва ёркин ёритишга рағбатлантиради.

Воғиз МУЗАФФАРОВ,
кекса журналист

✓ Таҳлил

СЎРОВ НИМА?

“Ҳуррият” газетасини журналистика муоаммоларини ёритадиган нашрлардан бири сифатида ҳурмат қиламан. Гап шундаки, ҳар бир инсон ўз касбини мукаммал эгалламоғи учун ҳам тинимсиз ўқиб-ўрганиши лозим. Шу маънода газетангизда “Сўров” ва уни ўтказиш тартиблари ҳақида батафсил маълумот берсаларингиз.

Ҳурмат билан,

Жаҳонгир ТОЙБОЛАЕВ,
журналист, Фарғона вилояти
Олтиариқ тумани, Полосон қишлоғи.

Агар журналистик информацияни тўплашнинг тезкор ва кенг тарқалган усулларидан градация тузишга тўғри келса, СЎРОВ биринчи ўринларда бўларди. Кўпжиҳатдан у интервьюга ўхшаса-да, бир қатор мустақил тавсифларига ҳам эга. Шундай қилиб, интервьюдан фарқли ўлароқ сўровнинг мақсади бир ёки бир неча хил саволларга жавоб олишдир.

Ҳозирги пайтда сўровлар журналистнинг респондент билан юзма-юз, телефон, варақалар ёки интернет билан боғланиши орқали амалга оширилади. Уларни нафақат журналистлар балки, махсус марказ, гуруҳ, институтлар ҳам ўтказишади.

Матбуотда чиқадиган сўровни икки гуруҳга бўлиш мумкин: информацион сўров ва аналитик сўров.

Информацион сўров мақсади аудиторияни журналистни қизиқтирган муаммолар билан боғлиқ турли хил фикрлар, мулоҳазалар мавжудлиги ҳақида хабардор қилиш. Бундай материаллар кўпинча “блиц-сўров” рукнида эълон қилинади.

Аналитик сўров матни худди информацион сўров матнидек савол-жавоб асосида тузилади. Лекин информацион гуруҳга тааллуқли эълон қилинадиган нашрлардан фарқли ўлароқ аналитик сўров таркиби ўзида очиқ аналитик матнни акс эттиради. Бу биринчидан, бундай сўровда муаллиф респондентларга фақат нима? қаерда? қачон? деган саволларни эмас, балки, аналитик матнлар мазмунини ифодаловчи қандай қилиб? нима учун? нима мақсадда? нима сабабдан? Бунинг маъноси нима? каби саволларни бериши эвазига ҳам содир бўлади. Бир матнда муаллиф берган ҳар бир саволга берилган батафсил жавобларнинг бирлашиши сўз бораётган предметни ёритишда бўрттириб кўрсатадиган таъсирни беради. Бу билан аналитик сўров ўзига қайсидир томонлари билан ўхшаб кетадиган аналитик шарҳлардан фарқ қилади.

Сўровнинг таҳлилий даражаси респондентга бериш олдидан тўғри тузилган саволлар билан аниқланади. Агар, журналист, масалан, ўз суҳбатдошларидан “технологик тараққиётни ёқтирасизми?” деб сўраса, жавобларнинг аксарияти бир хил “Ҳа” ёки “Йўқ” бўлади. Табиийки, бундай жавоблардан аналитик матн юзага келмайди. Шунинг учун сўров ўтказилаётганда бир хил жавобларга эга бўлган саволлардан қочиш керак. Респондентларга ўз фикрларини тўғри баён этиш имкониятларини берадиган саволларни бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Шубҳасиз, мулоҳаза учун респондентларда қизиқиш уйғота оладиган ва қайсидир маънода улар эга бўлган информацион ресурслардан фойдаланиш имконини берадиган предметни танлаш лозим (дейлик, сиёсатчилардан сиёсат ҳақида — гриппга қарши вакцинани қўллаш ҳақида эмас, медиклардан эса мана шу вакциналар ҳақида — сайлов олди компаниялари қоидаларини юритиш тўғрисида сўраб бўлмайди).

Сўровни режалаштириш унинг мақсадини аниқлашдан бошланади. Уларни шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) саволга жавобни ким беришидан қатъи назар журналистни қизиқтираётган саволларга жавоб олиши;

б) аудитория (ёки аҳоли гуруҳи) фикрини ифодаловчи саволларга жавоб олиш);

в) журналистни ва унинг мухлисларини қизиқтираётган саволларга мутахассис ва экспертларнинг жавобларини олиш.

Муаллиф ва унинг нашриёти қандай йўлни танлагани билан боғлиқ ҳолда мақсадга эришишнинг у ёки бу йўлларини қўллайди. Дейлик, у биринчи масалани ҳал қилар экан, у ҳолда сўровни исталган жойда исталган одамлардан ўтказиши мумкин. Масалан, у таҳририят ёнидан ўтиб кетаётган йўловчини сўрокка тутиши мумкин. Лекин шуни унутмаслик керакки, бу вақтда унга тасодифий одамлар жавоб берадилар. Бунда унинг бўлар-бўлмас нарсаларни сўраши унчалик тўғри келмайди. Сўрокка тутилаётганларнинг ирқи, жинси, ёши, касби маълумотидан қатъи назар, мавзу уларни бирлаштира оладиган даражада кен бўлиши керак.

Яна бир ҳолда журналистни маълум тор мавзудаги мутахассис жавоблари қизиқтирса, у ўз саволларини нисбатан тор респондентлар гуруҳига, мутахассислар, омиллар, экспертларга йўналтириши мумкин. Фақат уларгина саволларга илмий асосланган жавобни бера олишади. Эксклюзив сўров ўтказмоқчи бўлган журналист ўз респондентлари билан хотиржам, ишбилармон, дўстона муносабатда бўлиши керак. Бунинг учун мулоҳаза қилинадиган мавзу мазмуни ва сўровнинг аҳамиятини тушунтириши лозим. Ўз саволларига тўла жавоб олиш мақсадида журналист жавоб беришга рози бўлган суҳбатдош вақтини беҳуда олмаслиги ва сўровни улар учун қулай вақтда тугатмоғи лозим.

Социологик
материаллар асосида
Иззат ЭШБОЕВ тайёрлади.

✓ Муносабат

МАЪРИФИЙ КЎЗГУ ТИНИҚЛИГИ ЙЎЛИДА

“Ҳуррият”нинг аввалги сонларидан бирида “Мунозара” рукнида чоп этилган Қодиркул Рўзматзоданинг “Маърифат — гоянинг таянчи” мақоласини мутолаа қилиш асносида айрим фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Мақола муаллифи шу куннинг долзарб, кўпчилик маънавият-маърифат мутасаддилари, мазкур соҳанинг жонкуярлари дилидаги фикрларни илгари сурган.

Ҳозир биз ҳақиқатда жамиятимиз ривожланишининг бурилиш нуқтасидамиз ва бу ҳар биримиздан ўта масъулият талаб этмоқда. Бугун маънавият-маърифат масалаларию муаммолари ҳақида кўп ва хўп мулоҳазалар матбуотда ёритилмоқда. Аммо, бундай муаммоларнинг аксарияти у ёки бу шаклда ёзилаётган фикрлар, кўрсатмалар билан ечилавермайди менинг назаримда. Улар ўзини шу йўналишга чоғлаган, фидойилик намунасини кўрсатишга қодир ва айни вақтда салоҳияти етарли маънавият-маърифат мутасаддилари, устоз-мураббийлар раҳбарлиги, ҳамжиҳатлигида амалга ошириладиган ҳаётий ва амалий характердаги маънавий ишлар ва турли шаклдаги **тадбир**лар орқали ҳал этила боради. Тадбир сўзини алоҳида таъкидлашимизнинг боиси шуки, Қодиркул Рўзматзода куюнчаклик билан ёзган мақоласида маънавият-маърифат жамоатчилик Марказларининг муқаддас вазифаси ҳақида қатъий ҳукм(албатта, бу субъектив) чиқаради ва уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан қарайди: “Яхши ният билан ташкил этилган Республика маънавий ва маърифат жамоатчилик марказлари ва унинг жойлардаги бўлимлари, афсуски, қутилган ижобий самарани бера олмаяпти. У амалда собиқ иттифоқ давридаги “Билим” жамиятларининг ишини давом эттиришдан нарига ўтмаяпти. Ҳолбуки, маънавият ва маърифат жамоатчилик марказларининг **муқаддас вазифаси билим тарқатиш, тадбирлар ўтказиш эмас,** балки халқимиз, ёшларимиз ўртасида **илм-фан**га муҳаббат ҳиссини тарбиялаш, **илм-фан**ни миллий қадриятга айлантириш, **илм-маърифат** фидойиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёлининг қадр-қимматини юксалтириш, унинг жамиятимизда энг мўътабар ижтимоий қатламга айланиши учун курашишдир”.

Марказларнинг муқаддас вазифаси билим тарқатиш, тадбирлар ўтказиш эмас, деб ҳисобланган муаллиф ўз ҳукмида маънавият-маърифат марказлари ва бўлимларининг муқаддас вазифасини тўлақонли асоламаганга ўхшайди.

Маънавият-маърифат масалалари серқирра. Унинг баъзи масалалари, муаммолари режа, тадбир ва дастурлар доирасида ҳал қилинибгина қолмайди. Бироқ кўпгина ишлар махсус тадбирлар тузилишини, ҳатто тадбирлар сценарийси ва дастури бўлишини тақозо этади. Фақатгина бундай тадбирлар дастури жонли, ҳаётий, қизиқарли ва оҳорий тусда бўлиши шарт. Бу эса масъуллардан тинимсиз изланишни, ижодкорликни талаб этади.

Юқоридаги мақола муаллифи таъкидлаганидек муқаддас вазифамиз сирасига “ёшларимиз ўртасида илм-фанга муҳаббат ҳиссини тарбиялаш”гина эмас, ёшларимиз ўртасида ҳаётга, уни гўзал қилишга, чинакам миллий, маънавий ва маданий қадриятларга меҳр-муҳаббат, ихлосу ишонч уйғотиш ва тарбиялаш ҳам киради. Шунингдек, “дунёвий илм-фанни миллий қадриятга айлантириш”гина эмас, балки узоқ ва бой тарихга эга халқнинг ақлий заковати, руҳий-илоҳий салоҳияти маҳсули бўлмиш буюк маънавий меросларни — миллий қадриятларни ҳам асраб-авайлаш, ўрганиш, амалий ҳаётга тадбиқ этишга эришиш ҳам бу соҳанинг асосий вазифаларидандир.

Бугун муаллиф фикрларига тўлиқ эш бўлган ҳолда шуни айтиш мумкинки, яқин тирихимизда бирмунча хира тортиб қолган миллат зиёлилиги бугун яна юксалиш, эътибор топиш сари йўл тутмоқда. Яна бир мулоҳаза. Маънавият-маърифат марказлари ва бўлимлари энг юқори бўғинидан қуйисигича шу куннинг, шу даврнинг талабларига мос маълум бир вазифаларни бажаряпти, бундан кўз юмиш керак эмас, Маоши ҳаминқадар бўлса ҳам бу соҳада кўпгина фидойи инсонлар фаолият кўрсатмоқда. Аммо, ҳали ҳам мутелик, қуллик, боқимандалик кайфиятида юрган ватандошларимизнинг айрим вакилларидаги лоқайдлик, "сен менга тегма, мен сенга" кайфиятлари кўп ҳолатларда бу соҳа равнақига халақит беряпти, ҳатто салбий таъсир кўрсатмоқда, буни очиқ ва баралла айтаверсак бўладику?! Жамоатчилик ўртасида нохолис фикрлар туғилишига айрим маънавий қашшоқ ва лоқайд фуқароларимизнинг сабабчи бўлаётганликларидан кўз юмиб бўлмайди.

Хуллас, бир сўз билан айтганда ана шундай қуюнчаклик билан ёзилган мақолалар кўпроқ бўлса, айни муддао бўларди. Зеро, эзгу меҳнат, эзгу ниятлар самараси ўлароқ миллатимиз маънавий-маърифий кўзгуси янада тиниқлашаверади.

Туйғун ХОЛМАТОВ,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти маънавият-маърифат бўлими бошлиғи.

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

БЕШКЕНТ ПАХТА ТОЗАЛАШ ОҲЖ

Республикамизнинг барча меҳнат аҳлини Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллик шодиёналари билан қутлайди. Серқуёш она-Ўзбекистонимиз юксак тараққиёт сари дадил одимлайверсин.

Осмонимиз мудом мусаффо, мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ДОКТОР СТАРР:

«ЎЗБЕКИСТОН — МИНТАҚАНИНГ ЮРАГИ»

— Ўзбекистон Президентининг АҚШга ташрифини йилнинг ёрқин воқеаларидан дейишимиз мумкин. Сиз бу ташриф хусусида нималар дея оласиз? Президентимиз Сизда қандай таассурот қолдирди?

— Менга ўхшаб Президент Каримов билан учрашиш ёки нутқини эшитиш имконига эга бўлган барча америкаликлар бу инсон тимсолида ўз мамлакати ва мамлакати жойлашган минтақа ҳаёти, ишлари тўғрисида ҳақиқий мулоҳазакорлик билан сўзловчи, ҳар қандай нозик саволга жавоб бера олувчи шахсни кўрдилар. Масалан, бир америкалик ундан Ўзбекистон келажакда ҳозиргидан кўпроқ даражада очиқ жамият бўла оладими, йўқми, унда Ғарб типидаги сайлов институтлари амал қиладими, йўқми – сўраганида у очиқдан-очиқ ўзини ва совет сиёсий маданияти қобиқларида шаклланган ўз авлодини ҳозирги ёшларга, минглаб вакиллари чет элларда таълим олаётган ёки ишлаётган ҳозирги авлодга қарама-қарши қўйди ва бу ёшлар мендан кўра кўпроқ сизларга ўхшаган инсонлар бўлиб етишадилар, деган фикрни билдирди. Бу гапни эшитганлар қаршиларида ўзгаришлардан қўрқмайдиган, аммо бу ўзгаришлар алғов-далғовларсиз амалга ошишини истовчи шахс турганини англадилар...

(Боши 1-бетда)

— Жаноб профессор, ўзингизга маълум, минтақадаги тинчлик ва осойишталик Афғонистондаги вазиятга боғлиқ...

— Афғон ҳукумати ҳозирча бутун аҳоли манфаатларини ўзида акс эттиролмайди. Аксарият пуштун ва хазарларнинг бу ҳукуматдан қониқмаслиги мамлакатда, қолаверса, бутун минтақада ўта хавфли вазиятни туғдиради. Бу муаммо, ҳатто, бугун Кобулда асосий ролларни ўйнаётган қудратли ва шафқатсиз кучлар билан тўқнашишга тўғри келса ҳам, албатта, ҳал этилиши керак. Бундан нафақат Афғонистоннинг ўзи, балки бутун минтақа, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ютади. Бутун халқни ўзига мойил қила олган ҳукумат бир асрдан зиёд вақтдан буён берк турган улуғ йўлларни ва янги транспорт маршрутларини очиши мумкин. Бу ҳол Ўзбекистонга ўз маҳсулотларини нафақат Яқин Шарққа, балки бутун Ҳинд суб-континентига ва ундан ташқариларга ҳам осонлик билан реализация қилиш имконини беради. Қисқаси, барча учун фойдали шарт-шароит вужудга келади...

— Ўзбекистоннинг терроризм ва гиёҳвандлик моддалари савдосига қарши курашдаги роли ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдик.

— Марказий Осиёнинг "юраги" сифатида Ўзбекистонга бу курашда бош ролни ўйнашга тўғри келади. Ўзбекистон, табиийки, анг аввало ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши зарур. Аммо айни вақтда у келажакда бутун Марказий Осиёни терроризм, экстремизм ва наркобизнесдан холи минтақа сифатида кўришдан ҳам манфаатдордир. Худди мана шу "қиёфа" минтақанинг барча ҳукуматлари ва фуқаролари қалбидан жой олиши, ҳамма баробар ана шу умумий иш муваффақияти учун жон куйдириши даркор. Бундай келажакка эришиш учун Ўзбекистон ўз қўшнилари ва Америка, Европа ҳамда Осиёдаги бошқа дўст мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиши зарур. Мен Ўзбекистоннинг бу йўлдаги муваффақиятига ишонаман. Зеро, унинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасидаги ташаббусини ҳам яхши эслайман...

— Доктор Старр, Ўзбекистон Мустақиллиги куни арафасидаги ушбу суҳбатимиз ўзбекистонликларга, жумладан, "Ҳуррият"нинг кўпсонли ўқувчиларига ўз истакларингизни билдиришингизга имкон яратади..

— Миннатдорман... Мен ўзбекистонликлар ўз олдиларида турган муаммолар ечимига босиқлик ва ишонч билан ёндошишларини истардим. Ўзбекистон шу вақтга қадар ҳам кўп бор ана шундай фазилатга эга эканлигини намойиш этаолди. Умид қиламанки, келажакда у хислатини янада ёрқинроқ намоён қилади.

"Ҳуррият»га келсак, мустақил газета сифатида у Ўзбекистонда ҳуқуқий жамият қуришдек эзгу ишда янада дадилроқ қатнашишини истайман. Унинг ўқувчиларига ҳам шу тилакни билдираман. Барчаларини улуғ байрам билан қутлайман.

Мавлон ШУКУРЗОДА
Вашингтон.
"Ҳуррият" учун махсус тайёрланди.

ҚИРҚИНИДАН ҚИЙИЛГАН ЭДИ

Сана

Ўйларимсиз — менинг ўйларим,
Мендир адо,
Сиз куйдирасиз...
Т.Шевченко.

Эшиги ҳар доим тапа-тақ ёпиқ, ташқаридан қулфлоғлиқ дераза у ёқда турсин, ҳатто тангадек ёруғлик тушадиган тешикча бўлмаган бу хонада бошини қуйи солиб ўтирганча хаёлга толган бу одам ўзи билан ўзи сўзлашади, холос. У ўтирган бурчакдан шивири элас-элас қулоққа чалинади. Хонада у ёлғиз эмас — ўн чоқли одам. Қоронғу хонада ҳеч ким бир-бирини кўрмайди, билмайди, билишни ҳам истамайди. Зеро, кўнгилларига қил сиғмайди... Деразаси бўлмаган бу хонани макон тутганлар айни бир чоғда кунми-тунми билмайдилар. Тонг билан уйқудан кўз очгач, ҳар ким ўзича, ўз дардини ўзига сўзлаб ўтиргани ўтирган. Шунинг учун бўлса керакки, қамашни ўрисчасига "сажать" яъни "ўтқизмоқ" десалар керак.

Маҳбус, аҳёнда бир терговга бошлаб кетилганда ёруғликни кўрмаса, бир жойда ўтираверіб, бир-бирларининг дарди-ҳасратини тинглайвериб жонидан тўйиб кетишса керакки, аксарият оғзига талқон солгандек жим...

Шу маҳбуслардан бири Мирзакарим Мирзараҳматов деган қора тўридан келган тошкентлик йигит. У ҳам бошқалар янглиғ соатлаб чўққайганча қоронғу бурчакка тикилган куйи хаёл оғушига чўмади — ёруғ жаҳоннинг қанақа бўлишлигини тасаввур қилмоққа уринади. Қанақа эди у ёруғ жаҳон? Хаёлан хонадонига кириб боради. "Адам келдилар, адам! — дея қанот қоқиб чиққан қизалоғи югургилаб келиб бўйнига осилиб олади. Унинг ортидан алпон-талпон оғироёқ хотини чиқиб келаяпти. "Эсон-омон қутилиб олсин-да... — хаёл суради маҳбус". Ўғил кўрскак исмини Тўхтамурод қўямиз девдим. Эсон-омон қутилиб олсин-да, илоҳим..." Хаёллар, бир-биридан ширин ва айни пайтда дардли, аччиқ хаёллар бутун борлиғини қамраб олади.

"Бунақада жинни бўлишинг табиий..." — дейди маҳбус ўзига ўзи. Ва бу роҳатбахш хаёлларни қувиб солади. Энди у англаб-англамай шеър ўқий бошлайди.

Эҳ, тутқинликда шеърнинг ҳам фақат дардлари ёдга келаркан. Москвада, саноат академиясида ўқиб юрган чоғида оврупо классиклари асарлари билан яқиндан таниш бўлганлигидан ҳозир Пушкин, Лермонтов, Тарас Шевченко шеърлари ёдига тушди. Ким билади, балки терговдаги сўроқлар руҳига ҳамоҳанг ватан дардини тараннум этгани учун эслагандир...

Яшасам ҳам,
яшамасам ҳам
Украинада менга
барибир...
Бироқ менга
барибир эмас,
Ватанимга
тақилса занжир...

Банди чуқур хўрсинди. Бу шеърни битганда шоир юртидан йирокда — сургунда бўлганини эслади.

"Менинг қисматим нима бўлар экан?" Бундай жавобсиз қолган саволларни у кунда, ҳар соат ўзига берарди. Камерада соатлаб чўққайиб ўтирганида нималар келмайди унинг хаёлига. Бу гал у Ўзбекистон Коммунистик Партияси Марказий Комитети биринчи котиби Акмал Икромовни эслади. Камерада маҳбуслар орасидаги ивир-шивир кўнглини ғаш қилиб қўйган... Республика Партия Марказкўми биринчи котиби ҳибсда бўлса... "Ишлар жуда ишкал экан-да" ўйлайди у. Москвада саноат академиясини битирган чоғида пойтахтдаги олий ўқув юртларини тамомлаган олтмиш чоғли толиблар йиғинида Акмал Икромовнинг маъруза қилгани ёдига тушди.

Ўшанда Акмал Икромов куйиниб-куйиниб узоқ сўзлаганди. Нималар деган эди-я ўшанда у? Ҳа, эслади — Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ривожланаётгани ҳақида сўзлаган эди. "Юксалиш томон қадам қўйган саноатимиз олий тоифа кадрларга — сизларга муҳтож, — деган эди. — Бизга, ўзимиздан чиққан ўзбек кадрлар керак, жуда керак. Республикамизга шартнома асосида ташқаридан юборилаётган мутахассисларга кунимиз қолмасин — улар шартномани бажаришмаяпти, мажбуриятларни барбод этишаяпти, ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйишаяпти, республикамизнинг иқтисодий юксалиши зарурати билан ҳисоблашишни исташмайди. Шунинг учун ҳам бизга ўз кадрларимиз керак", — деган эди Акмал Икромов куйиниб.

Мирзакарим Мирзараҳматов эса чин дилдан республикага мадор бўлишни истарди...

Айни шу палла камера эшиги шарақлаб кетади. Ҳардам хаёл билан ўтирган ҳамма бандилар чўчиб тушади.

Бандиларнинг бари командa берилгандай эшик оралиғида турган зобитга қарайди.

— Мирзараҳматов — терговга! Тез бўлинг! Қўлингизни орқангизга қўйинг, — амирона овоз эшитилади.

Мирзараҳматов деган бу бахти қаро ким ўзи?

Бу бандининг кимлигини уни айблаш ҳақидаги ҳужжатлардан қуйидагиларни ўқийміз:

"1897 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Мирзакарим Мирзараҳматов 1908 йилдан 1911 йилгача рус-тузем мактабида ўқиган, 1912 йилдан 1914 йилгача котиблик қилган. 1914 йилдан 1917 йилгача нонвой бўлган, 1919 йилдан ВКП (б) аъзоси. Кейинчалик Москвадаги саноат академиясида таҳсил олган, 1934 йилдан уни тамомлаб Тошкентга қайтган ва Тошкент тўқимачилик комбинатида директор ўринбосари бўлиб ишлаган".

Минг тўққиз юз ўттиз етттинчи йилнинг тўртинчи августида ҳибсга олинган. Орадан тўққиз кун ўтиб, унинг айбдорлигини кўрсатувчи қарор чиқарилган. Унда шундай сатрлар бор:

"Менким, Ўзбекистон ИИХ Комиссарлиги учинчи бўлими оператив вакили Дементман, Мирзакарим Мирзараҳматовга доир 4318 рақамли тергов ишини ўрганиш жараёнида қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

Мирзакарим Мирзараҳматов Совет Ҳокимиятининг илк кунлариданоқ аксил инқилобий миллий ташкилот тарафига ўтган. Ўнгларнинг Тошкентдаги аксил инқилобий миллий гуруҳи ҳаракатларида фаол иштирок этган. Троцкийчи Ҳафизов ва Зокировлар, ҳамда олмон жосуслари Алаутдинов ва Казбековларни қўллаб-қувватлаган.

Мирзакарим Мирзараҳматов сўнгги пайтларгача аксил инқилобий миллий ташкилот ишида иштирок этиб, хорижга ўтиб кетган япон жосуси Пирмуҳаммедов билан алоқада бўлган.

Ушбу ҳаракатлари билан М.Мирзараҳматов Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасининг 60- ва 67- моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги туфайли

ҚАРОР ҚИЛИНАДИ

1897 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган миллати ўзбек, 1919 йилдан бери ВКП (б) аъзоси бўлиб, 1937 йилдан сафдан ўчирилган, Тошкент тўқимачилик комбинатининг собиқ директор ўринбосари, уйланган, 1934 йилда Москва саноат академиясини тамомлаган Мирзакарим Мирзараҳматовни ушбу иш бўйича айбдор топиб Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 60- ва 67- моддалари асосида ҳибсга олинган, авваллгидек ИИХ Комиссарлигининг ички қамоғида сақлансин».

Бу қарорга 3-бўлим вакили Дементман ҳамда Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси 3-бўлимининг бўлинма бошлиғи Оққигитов имзо чекади.

Қарор чиқарилган куннинг эртасига маҳбус у билан таништирилади. Қарор тагида маҳбуснинг "Ушбу қарор менга 1937 йилнинг 14 августида эълон қилинди" деган ёзуви ва имзоси бор.

Маҳбуснинг бири биринингайнан такрори бўлган, шу билан бир пайтда бир-бирига ўхшамаган кунлари бир-бирини қувалаб ўтиб туради. 1937 йилнинг 26 декабри куни айблов қарори пайдо бўлади ва бу қарор маҳбусга эълон қилинади. Бу қарорда, хусусан шундай сатрлар бор: "Жиноят ишига тиркалган маълумотлар ичида Мирзараҳматовнинг Ўнглар ва Троцкийчилар маркази билан ҳамкорликда аксил инқилобий, жосуслик ва зараркунандалик фаолияти олиб борганлиги, шунингдек, республикада совет ҳокимиятини ағдариш ниятида қуролли қўзғолонга тайёргарлик кўрганлиги аниқланди".

Бу ташкилотнинг буйруғига кўра Мирзакарим Мирзараҳматов тўқимачилик комбинатида зараркунандалик фаолияти олиб борган, айнан шу тўқимачилик комбинатида қўпорувчилик олиб борувчи гуруҳни тайёрлаган, бу гуруҳга янги кучлар жалб этган.

Юқорида зикр этилган жиноятлар туфайли ЎзССР Жиноят Мажмуасининг 60- ва 67-моддасига кўра Мирзакарим Мирзараҳматов қўшимча суратда ЎзССРЖКнинг 57-1, 13,65, 63 ва 67 моддалари билан айблансин.

Давлат Хавфсизлиги Бошқармаси
3 бўлими 3-бўлинмаси бошлиғи
Давлат Хавфсизлиги сержанти Оққигитов.

Юқорида қайд этилган гуноҳлардан ташқари Мирзакарим Мирзараҳматов босмачи тўдаларини қурол-яроғ билан таъминлашда айбланади.

Тошкент турмасида азоб чеккан Мирзакарим Мирзараҳматов Ўзбекистон ССР Жиноят Мажмуасининг 58, 64, 63, 65 ва 67 моддалари билан айбланиб СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси судига йўлланади.

Орадан саккиз ой вақт ўтиб, 1938 йилнинг 8 октябрида Тошкентда СССР Олий Суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси очилди.

Қарорда судланувчи залда ҳозир эканлиги, аммо судга гувоҳлар чақирилмаганлиги, судланувчи суд ҳайъатига нозолик баён этмаганлиги, ҳеч қандай ўтинчи йўқлигини айтади, у ўзини қисман айбдор деб билади.

Хулласи калом, 1938 йил 8 октябри куни СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси Мирзакарим Мирзараҳматовни ҳибсда чоғида таваллуд топган ёлғиз ўғлони Тўхтамурод Мирзараҳматов ҳам мустабид тузумнинг ҳадсиз-ҳисобсиз қурбонлари фарзандлари янглиғ ота меҳрига зор ўтди.

Ёр-биродарлар хонадонида иттифоқо сақланиб қолган суратлардан изларди Тўхтамурод отаси дийдорини, "Отам қандоқ одам бўлган эканлар?" — деган саволга жавоб топишга интиқ бўлиб камолга етди. Фарзанд эканда, ахийри вақти-соати етиб, ота изини излашга тушди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институтига мурожаат эти — отаси Мирзакарим Мирзараҳматов фаолияти билан ошно этишларини сўради. Бундан ўн тўрт йил муқаддам бу идоранинг унга йўллаган маълумотномадан ўғил отасининг 1916 йилдан то қамалгунча қадар олиб борган фаолияти билан ошно бўлди.

Бу маълумотнома Мирзакарим Мирзараҳматов меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳар кўприк ва йўлларни таъмирлаш бошқармасида табелчи бўлиб бошлаганидан далолат беради. Поғонама поғона кўтарила бориб, отаси Тошкент эски шаҳари озиқ-овқат ўртоқ Сиротенконинг маърузаси ва бош ҳарбий прокурор ёрдамчиси, юстиция подполковниги Базикинанинг хулосаси қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Мирзараҳматов Советларга қарши миллий қўзғолончи — террорчилик ташкилоти қатнашчиси бўлганлигини учун ҳукм этилган. Прокурор хулосаси ва қўшимча текширувлар натижасида Мирзараҳматовнинг ҳеч қандай жиноят содир этмаганлиги аён бўлгани ва унинг ҳаракатида жиноят состави бўлмаганлиги сабабли ҳукм бекор этилиб, ишни тўхтатиш масаласи қўйилсин.

Хулосада келтирилган далилларни инобатга олиб, СССР Олий Суди Ҳарбий коллегияси ажрим қилади:

СССР Олий Суди Коллегиясининг 1938 йил 8 октябрда Мирзакарим Мирзараҳматовга доир ҳукм янги пайдо бўлган ҳолатларга кўра бекор этилиб, унинг ҳаракатларида жиноят состави бўлмаганлиги учун иш тўхтатилсин».

Аслига тўғри деб: Ҳарбий коллегия офицери имзоси ва муҳр.

Бу хушхабарни ўқийман. Севинмоқ керакми ёки? Билмайман.

"Бир йигит қирқ йилда бино бўлади" деган гап бор халқимизда. Шу нақлдан келиб чиқилса, Мирзакарим Мирзараҳматов айнан қирчиллама ёшида отиб юборилган экан, деган хулосага келаман. Оила бошлиғи отиб юборилгач, унинг қарамоғидаги қариялар, қўллари кўкда қон какшаб қоладилар. Рафиқаси ва фарзандлари боқувчисидан ажралиб, мол-мулки мусодара этилиб, бор будидан мосуво бўлиб ҳайронлик ва вайронликда қоладилар.

Лекин яшаш учун кураш давом этади.

Умр оқар сув, дейдилар. Ўшандан бери 64 йил вақт ўтди. Бу йиллар ичида қатағон йиллари мобайнида отиб юборилган неча-неча минглаб, балки миллионлаб ватандошларимизнинг етим бўлиб қолган фарзандлари отаи-бузрукворлари дийдорига, меҳрига зор-интизор бўлиб ўсишди. Ўларнинг ўсиб-униши, камол топиш йўлида дуч келган тўсиқлар ўзи алоҳида ҳикоя...

Юқорида хотирлаб ўтганимиз Мирзакарим Мирзараҳматовнинг ҳибсда чоғида таваллуд топган ёлғиз ўғлони Тўхтамурод Мирзараҳматов ўзидан улуғ отахон ва момолар ўгитига қулоқ тутади.

"Аллоҳга шукр қилмоқ жоиз! Бизни истиқлолга етиштирди. Бўлмаса бу ёруғ кунлар қаердайди!" — дейишди кайвони онахонлар.

"Изларини топдингиз-ку отангизнинг. Энди дуога қўл очайлик... Мустабид тузум даврида эл бошига тушган у қора кунларнинг қайтмасга кетгани рост бўлсин. Юрт обод, эл-улус шод бўлсин! Илоҳи омин. Эл-юртга қутлуғ бўлсин бу омон-омонлик даври-давронлар"...

Шу он мен бирдан, худди шу Мирзакарим Мирзараҳматов каби — фақат ундан беш йил олдин ўн тўрт миллий истиқлолчи қаторида ўн бешинчи бўлиб Москва шаҳрида отиб юборилган отаи бузрукворим — адиб ва дипломат Саид Аҳрорийни — унинг қаламига мансуб бўлган "Эрк қўшиғи" шеъридаги сатрларни эсладим.

Элга қутлуғ бўлсин
шодлик дамлари,
Артилди кўзлардан
ҳасрат намлари
Кутган кунлар келди,
яйраш чоғидир.
Ҳаволарда булут
қолмай тарқалди,
Дардли пайтлар биздан
узоқ йўқолди,
Тиниқ кунлар келди,
яйраш чоғидир.

Рости ҳам шу. Халқимиз асрлар давомида зориқиб, интиқ бўлиб кутди Ҳурриятни. Бу кунларга етмоқни яқинлаштириш йўлида кураширди. Энди кураш навбати ёш наслга... Улар зиммасига ниҳоятда юксак вазифа юкланади. Бу — Ҳурриятни қўлда сақлаб қолмоқлик, уни қоғоздаги қантдек аваалаб-асраб, унга заҳа етказмасдан келажак авлодга етказмоқ-ликдир...

Ҳолида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

GLOBUS
international life

Дараклар

УРУШНИНГ АСОСЛАНИШИ

Би-би-си мухбирининг хабар беришича, АҚШ вице-президенти Дик Чейни америкалик фахрийлар қошида сўзга чиқиб, Ироқ билан урушнинг заруратини асослаган. Кузатувчиларнинг фикрича, бу нутқ асосан Саддам Ҳусайн режимига қарши кураш учун етарлича асос кўрсатолмаётган Буш маъмуриятини танқид қилувчиларга қаратилган.

Д.Чейни "Сирасини айтганда, Саддам Ҳусайннинг оммавий қирғин қуролига эгалигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. У бу қуролни бизнинг дўстларимизга, иттифоқчиларимизга, айнан ўзимизга қарши қўллаш ниятида янада кучайтираётганига ҳам ҳеч қандай гумон йўқ", деган. Шунингдек, у Ж.Бушнинг "Вақт бизнинг фойдамизга ишламаяпти", деган сўзларини такрорлаган.

Оқ уй эса Чейнининг сўзлари маъмурият Ироққа ҳужум қилиш қарорига келганини англатмаслиги хусусида баёнот берган бўлса-да, кескин чоралар тарафдорлари тарозининг палласи ўзлари тарафига оққанини таъкидлашмоқда.

ТОКИО ВА ПХЕНЬЯН КЕЛИШИШГА УРИНЯПТИ

Япония ва Шимолий Корея икки мамлакат ўртасида ўзаро дипломатия алоқаларини ўрнатиш юзасидан ўтказилаётган музокараларнинг давом этиши масаласини бир ой ичида ҳал этади.

КХДР пойтахтида икки йил ичида илк бор ўтказилган юксак даражадаги расмий учрашув якунида томонлар вакиллари шу ҳақда қўшма баёнот бердилар.

Бироқ, Би-би-си мухбирининг таъкидлашича, маслаҳатлашувлар чоғида мавжуд муаммолар юзасидан олға силжиш ҳақида гап-сўз бўлмаган. Дарҳақиқат Токио Шимолий Корея агентлари 70-80-йилларда ўғирлаб кетган деб даъво қилаётган Япония фуқароларини қайтариш ҳамда Япония Корея ярим оролини босиб олган 35 йил учун КХДР талаб этаётган товон масаласи мамлакатлар ўртасидаги музокаралар ривожида асосий муаммо бўлиб келмоқда.

ХАМАС ЕТАКЧИСИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Исроил ҳарбийлари ХАМАС ташкилоти етакчиларидан бири бўлган Жамол Абу ал-Хайж қўлга олинганини маълум қилишди. У худкуш қўпорувчилар ҳаракатини уюштиришда гумон қилиниб, анчадан буён қидирилаётган рўйхатидан жой олганди.

Жамол Исроил армияси фаластинлик қочқинларнинг Женин шаҳрида ўтказган рейди чоғида қўлга олинган.

Исроил Мудофаа вазири Б.Бен-Элиэзер: ушбу рейд яқинда қабул қилинган битимнинг барбод бўлганини англатмайди. Икки йилдан буён давом этаётган қарама-қаршиликни икки кунда тубдан ўзгартиришнинг иложи йўқ, деган фикрни айтган.

МАРСГА САЁҲАТ

НАСА ходимлари Марс сайёраси юзаси ҳақида маълумотлар берувчи янги веб-сайтни очишди. Marsoweb деб номланувчи ушбу сайтда Қизил сайёранинг 44 мингта юксак сифатли фототасвирлари ўрин олган.

Олимлар ушбу маълумотлар марсоходларни қўндириш учун қулай жойни топиш имконини беради, деган умидда эдилар.Бироқ сайт нафақат олимларда, балки ҳаваскор мунажжимларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Марсни тадқиқ этиш маркази илмий бўлими ходими Гленн Дирдоффнинг маълумот беришича, ҳозиргача ушбу сайтга 44 мингдан зиёд интернетдан фойдаланувчилар 1,8 миллион марта киришга улгуришган.

НАСА келгуси йил ёзида навбатдаги "Эгизак" экспедициясини Марс сайёраси томон йўналтиришини маълум қилди.

ЙОҲАННЕСБУРГ — 2002

26 август куни Жанубий Африка Республикасининг Йоҳаннесбург шаҳрида Барқарор ривожланиш бўйича жаҳон саммити бошланди.

Ер Саммити номини олган бу анжуманда 100дан зиёд давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, БМТнинг барча агентликлари, халқаро молиявий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари қатнашмоқда. Мазкур саммит Рио+10 номи билан ҳам танилган бўлиб, у 1992 йили Рио-де Жанейрода ўтказилган БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясидан (UNCED) кейин юз берган глобал ўзгаришларга баҳо беради.

Душанба куни саммитга раисликка сайланган Жанубий Африка республикаси президенти Тҳабо Мбеки делегатларга мурожаат этиб уларни қашшоқликка қарши кураш ва барқарор ривожланиш орзусини ҳақиқатга айлантиришга чақирди. Жумладан у 1992 йили XXI аср Дастури қабул қилинганидан буён сезиларли ютуққа эришилмаганини айтиб бундай деди:

"Аксарияти қашшоқ ва озчилиги фаровон яшашга асосланган глобал жамиятни қашшоқлик денгизи ўртасида жойлашган мўъжаз бойлик оролларига ўхшатиш мумкин ва бундай жамият барқарор эмас бекарордир."

Шу куни 40 мингга яқин делегат жаҳонда соғлиқ ва биологик хилма-хилликни асраб қолиш муаммоларини муҳокама этдилар.

Сешанба куни эса қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги масалалари муҳокама этилди.

БМТ бош котиби жаҳон Саммити олдига қўйган беш йўналишни қуйидагича белгилаган эди: сув ва санитария, энергия, саломатлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлиги, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш ва экосистема муаммолари. БМТга аъзо мамлакатлар ҳукуматлари бу йўналишдаги фаолиятларини кучайтиришга рози бўлган. Зеро, "Барқарор ривожланиш — бу келажак авлод эҳтиёжларини ҳавф остида қолдирмай, бугунги авлод эҳтиёжларини қондирадиган ривожланиш демакдир".

10 йил аввалги Ер Саммитида бутун дунё учун XXI аср Дастури қабул қилинган эди. Унинг асосий мақсади ер юзини барча тирик жон учун бирдек адолатли ва ҳавфсиз қилишдир. Бугунги Саммитда жаҳон ҳамжамияти ушбу йўлда қилинаётган ишларни ҳар томонлама, танқидий жиҳатдан кўриб чиқади.

XXI АСР ДАСТУРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

1972 йили 113 мамлакат вакиллари атроф-муҳит бўйича илк марта Стокгольм конференциясига йиғилади.

1983 йили БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Жаҳон Комиссияси ташкил этилди.

1987 йили атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Жаҳон Комиссиясининг "Бизнинг келажагимиз бир" номли маърузасида инсоният агарда ўз амалий ҳаётида кўп нарсаларни ўзгартирмас экан уни келажакда кутилмаган муаммолар ва экологик таназзул кутиши ҳақида огоҳлантирилади.

1989 йили БМТ атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича халқаро конференцияга тайёргарлик кўра бошлади. Нодавлат ташкилотлари, ишбилармон доиралар, маориф соҳаси, аёллар ва ёшлар ташкилотларининг минглаб вакиллари Рио конференциясига тайёргарлик ишларига ўз ҳиссасини қўшган.

1992 йили БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференцияси (UNCED) бўлиб ўтди. Бу жаҳоншумул конференция тарихга Замин Саммити деган ном билан ҳам кирган. Унда дунёнинг 179 мамлакатининг расмий вакиллари қатнашди.

Конференциянинг асосий ютуғи XXI аср Дастурининг қабул қилиниши бўлди. Унинг асосий мақсади ер юзини барча тирик жон учун бирдек адолатли ва ҳавфсиз қилишдир.

Ўша йили декабр ойида UNCEDда қабул қилинган қарорлар ва ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида БМТнинг Барқарор ривожланиш бўйича комиссияси ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

1997 йили минтақавий ва глобал барқарор ривожланиш жараёнида фаол қатнашиш учун Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш бўйича миллий структураси тузилди.

1998-1999 йиллари Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиш бўйича концепцияси ва кейинроқ стратегияси ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Шунингдек "Ўзбекистон учун XXI аср дастури"нинг асослари ишлаб чиқилди. Бунда Ўзбекистондаги БМТТД мамлакат ҳукуматига яқиндан кўмак берди.

XXI аср Дастурининг стратегик мақсадлари:

- структуравий ва муассасавий ислоҳотлар ўтказиш орқали маънавий янгиланиш ва барқарор иқтисодий ўсиш шароитини юзага келтириш ва ҳар бир фуқаронинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш;
- ҳуқуқий-демократик давлатда ижтиомий йўналтирилган бозор иқтисодиётини яратиш ва жаҳон иқтисодига интеграциялашув;
- Орол денгизи таназзули оқибатларини тугатиш ва республиканинг бошқа ҳудудларидаги экологик вазиятни тиклаш;
- атроф-муҳит муҳофазаси ва уни яхшилаш;
- келажак авлодларни табиий заҳиралардан бебаҳра қолдирмаслик учун улардан тежамкорлик билан фойдаланиш.

Ўзбекистон барқарор ривожланиш бўйича халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик қилар экан, БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича комиссиясининг йиллик мажлисларига ўз миллий маърузаларини тақдим этиб келди. 2001 йили Ўзбекистон БМТнинг ривожланиш бўйича комиссияси аъзолигига сайланди.

Мақола БМТТД ва Ўзбекистон ҳукуматининг Атроф-Муҳит Дастури қўмагида тайёрланди.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Мушоира

Жамолиддин Муслим 1965 йили Наманганда туғилган, Наманган саноат технология олийгоҳини битирган. Шеърлари "Ёшлик", "Шарқ юлдузи", "Ёш куч", "Гулистон" ва бошқа газета, журналларда эълон қилинган.

"Кўкка ўрлаётган изтироб", "Қалб истеҳкоми", "Муҳаббатли манзиллар" шеърий тўпламлари чоп этилган. Республика ёш ижодкорлари семинари қатнашчиси. Айни пайтда Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимида хизмат қилмоқда.

ШАРШАРА

Шаршаражон, шаршара,
Биллур томчинг фаввора.
Кучоғимга ололмай,
Бўлдим роса оввора.

Шаршаражон, шаршара,
Шоирингга бир қара?
Сендай оқиб яшолмай,
Юрагида минг яра.

Шаршаражон, шаршара,
Шиддатинг-да бир сара.
Лоқайд кўнгил уйғонсин,
Эл дардига тўлғонсин.

Шаршаражон, шаршара,
Шодлигингни кел, тара...
Сени кўриб оламни,
Унутдим дард, аламни.

Шаршаражон, шаршара,
Шоирингга бир қара...
* * *
Шеърларимдир — дил тори,
Чалиб бергум куйини,
Куйлаб эзгу ўйимни.

Куйлаб бахтим туяман,
Армон кўзин ўяман,
Мангуга бош қўяман!

Шеърларимдир — дилдорим,
Уни дея куяман.
Ширин, эрка озори...

Шаҳноза ЮСУПОВА асли Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидан. Ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

Яқинда синглимиз бир даста шеърларини юборибди. Газетамиз саҳифаларида бадиий машқлар кам ёритилса-да, Шаҳноҳондаги адабиётга бўлган чексиз ҳурмат, самимият, энг муҳими, ярқ этаётган истеъдоди боис шеърларига ўрин бераётирмиз.

САВОЛ

Сенинг гуноҳингни ўйласам қай дам,
Кўзимга кўриниб кетади айбим.
Гоҳо сени кўриб ташвишли, пурғам,
Оқлайман ўзимни: "Мен нима қилдим?"

Гуноҳкор ўзимдай қоламан ёлғиз,
Баъзан сен келасан кўрмоқ-чун ҳолим.
Қилдан ҳам яқинроқ узоқ орамиз,
Ғудраниб айтасан: "Мен нима қилдим?"

Шундай.
Бир-бировга беролмаймиз таън,
Сўзсиз учрашамиз, кўз тикамиз жим.
Ўртамизда севги гир айланарқан,
Ўртаниб йиғлайди: "Мен нима қилдим?"

ЁНИҚ ОРЗУ ИЧРА

Ёниқ-ёниқ орзу ичра
Ёниб-ёниб боряпман.
Оғриқ-оғриқ туйғу ичра
Қониб-қониб боряпман.
Бу ҳаётда энг одил сўз
Бу сенмидинг, муҳаббат?
Йўлларингга нигорон кўз —
Ёшга тўлиб боряпман.
Юрак урди ҳар ён ўзин
Дардига топмайин нажот.
Тингламади ҳеч ким сўзин,
Меҳрин кутиб боряпман.
Унутаман барча ғамни,
Сергак тортадим қай замон.
Кўрганларим оққа шамдек
Тўкиб-тўкиб боряпман.

Ёниқ-ёниқ орзу ичра
Ёниб-ёниб боряпман...

Суҳбат

ҚЎШИҚ ГУЛЗОРИНИНГ БОҒБОНИ

Санъатимиз дарғалари орасида Фахриддин Умаровнинг номи алоҳида эҳтиромга сазовордир. Ярим аср тор чертиб, қўшиқ куйлаб, мафтункор овози билан минглаб мухлислар қалбига йўл топа олган санъаткор бугун ҳам ижодий изланишни тўхтатгани йўқ. Мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочиси, халқимизнинг ардоқли ҳофизи Фахриддин Умаров Истиқлолнинг ўн бир йиллик байрами арафасида ватанимизнинг юксак унвонларидан бирига — Ўзбекистон Республикаси Халқ ҳофизи унвонига сазовор бўлдилар. Биз улуғ санъаткорни юксак унвон билан "Ҳуррият" ихлосмандлари номидан чин кўнгилдан табриклаймиз!

— Кўпчилик истеъдод соҳиблари санъатга кириб келишларига оилавий муҳит катта таъсир кўрсатгани айтилади. Сизнинг ижод оламига кириб келишингиз қандай бўлган эди?

— Отам санъатни севарди, ўзи ҳам дутор чалиб турарди. Менга ҳам баъзан ашула айтиб бер, дер эдилар. Бир куни катта концерт бўлди, таниқли қўшиқчилар келишди. Ўшанда мени ҳам саҳнага чиқариб қўйишди. Эндигина йигирма ёшга тўлган пайтим ўзим билганимча қўшиқ куйладим. Концертдан сўнг Дони Зокиров: "Ука, сени радиога ансамблга олиб кетамиз", — дедилар. Шундан кейин кўп йиллар давомида радиостудия қошидаги ансамблда ишладим. Кейинчалик Ўзбекистон Давлат филармониясида нафақага чиққунимча фаолият кўрсатдим.

— Сиз Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб сингари улуғ шоирларнинг ғазалларини қўшиққа солгансиз. Мумтоз адабиётнинг гўзал намуналарига куй яратиш осон кечмагандир?

— Аввало шуни айтишим керакки, жуда кўп йиллардан буён мутолаа этиб келаман. Ғазал — кўнгил ноласи, қалб изтироби ифодаси. Унда суюкли ёр васфи куйланади. Агар ғазални берилиб ўқисангиз, у сизнинг тилингизда ўз-ўзидан қўшиққа айланади, шеърнинг куйи ҳам ўзи билан бирга келади. Навоийнинг "Сабо етсанг", Машрабнинг "Хаёлимда дилоромим" ва Бобурнинг кўплаб ғазалларига ана шундай куй басталаганман. Баъзан ўзим ҳам ғазал ёзиб тураман. Бобурнинг "Ул қаро қошдин яна" ғазалидан қаттиқ таъсирланиб юрган пайтимда кечаси мени раҳматли аёлим уйғотиб: "Кун-уззукун куй чалганингиз оздек, ярим тунда ҳам куйлаяпсизми, дадаси?", — деди. Шунда англадимки, Бобур Мирзо ғазалига тушимда куй яратибман, шуни ўзимча хиргойи қилаётган эканман.

— Бобур шахси қораланган йилларда ҳам ҳеч ҳайиқмай унинг ғазалларини катта саҳналарда куйлагансиз. Ўша даврлар ёдингизда бўлса керак?

— 1963 йиллар эди. Катта концертда Бобурнинг "Жамолинг васфини эй, ой" деб бошланувчи ғазалини қўшиқ қилиб куйладим. Ўшанда давлат раҳбарлари ва Москвадан келган вакиллар олдинги қаторда ўтиришган экан. Қўшиқни тугатишим биланоқ вакиллардан бири менга "Сен ҳозир Бобур ғазалини куйладингми?" – деди. "Ҳа" дедим. У мендан қўшиқнинг маъносини сўради. Ғазални ўқиб, таржимасини қисқагина қилиб тушунтирдим. Шунда москвалик вакил "Бобурнинг шеърлари ёмон эмас экан-ку!" дея ҳайратини яширмади. Шу воқеадан сўнг кўп ўтмай Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонини олганман.

— Эл орасида машҳур бўлиб кетган "Эй, муҳаббат" қўшиғингиз қандай яратилганди?

— Биз бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар билан биргаликда тез-тез пахта далаларига — қишлоқ меҳнаткашлари билан учрашувларга чиқиб турардик. Туроб Тўла, Чустий, Эркин Воҳидов, Пўлат Мўмин каби ижодкорлар даврасида адабиёт, санъат ҳақида суҳбатлар қурардик. Эркин Воҳидовнинг "Ўзбегим" шеърини қўшиққа солган вақтларим эди. Яна бирорта янги қўшиқ яратсам, деб юрган кунларимда Пўлат Мўмин янги шеърини кўрсатди. Мен унга қўшиқ басталашга киришдим. Қўшиқ кўпчиликка маъқул бўлди. Лекин юқоридагилардан кимдир "Муҳаббат шоҳу гадога баробар, деб куйлапти, бизда шоҳлар йўқ, уни доно ва гадога деб ўзгартирсин" депти. Мен кўнмадим. Ўша қўшиқни ҳали-ҳали аслидагидай куйлаб келаяпман.

— Сиз айни етмиш беш ёшингизда катта концерт залида яна мухлисларингиз билан юзма-юз бўлдингиз. Шогирдлар даврасида чиқишингиз тингловчиларни беҳад қувонтирди. Шогирдларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Элнинг суюкли ҳофизлари Шерали Жўраев, Ғуломжон Ёқубов, Ҳожиакбар Ҳамидов — менинг шогирдларим. Улар билан саҳналарда биргаликда куйлаганмиз, ижодий ҳамкорлик қилганмиз. Умуман, кекса санъаткорлар шогирд тарбиялаши зарур деб ўйлайман. Устоз эса ўз шогирдига фақат қўшиқчилик санъатидан сабоқ бериб қолмай, уни китоб, шеър мутолаа этишга ундаб турса янада яхши. Шунда у устозлик бурчини тўла адо этган бўлади.

— Суҳбатингиз учун ташаккур. Сизга соғу омонлик ва узоқ умр тилаймиз.

Чўлпоной МЕЛИҚЎЗИЕВА суҳбатлашди.

Она меҳри, фарзанд қувончи!

Газетамизнинг навбатдаги сони 11 сентябрда чиқади

ЎҒЛИМГА МАКТУБЛАР

Тилёғламалик қилолмасдим. Пора ололмайман. Обрўйимни сотмадим. Ўзимдан пастга сўзимни бермадим. Ўзимдан баландларнинг изтатини сақладим. Юзсизларни кўп кўрдим... Уятсизларни кўрдим - шон- шуҳратнинг соясида товланиб, севги номи билан қасам ичгувчи илонсифат санамлар ҳар доим менинг ғашимни кўзғатди. Мен ҳаётга ҳаётнинг асл қиёфасини кўрсатмоқчи бўлиб қоғоз қоралаганим сайин, унинг беадад кирдикорлари жон-жонимдан ўтиб бораяпти.

Ҳаёт, майли бой-бадавлат бўламан,
Шон-шуҳрат чўққисига ҳам чиқаман...

Ҳамма нарса Сен айтганингдай бўлиши мумкин. Бироқ менинг ягона хоҳишистагим - Сен ҳам инсон юрагини ардоқлайсанми, адабиётни севасанми? Ҳаёт, сенинг измингдаги жамият туйғуларимни топтамаслигига кафолат бероласанми?

Ўғлим, мен ҳимояга муҳтожман. Мана пул, мана уй ва яна аллақаерда қурилажак қаср, сеҳрли қулфига калит тушган, очилиши муқаррар шон-шуҳрат сандиғи. Энг қизиғи, бу нарсалар менга керак эмас. Сиз, кўпчилигингиз (оиламу) мендан шуни истайсизми?

Ўғлим, мен Сени Инсон Юраги олдида дунёнинг дуру жавоҳирлари сариқ чақачалик ҳимматга эга эмаслигини англашингни хоҳлардим. Шунинг учун ҳам биз Инсонмиз.

Сен ўз яқинларинг даврасига бойлик (пул) билан эмас, ёниқ ва ёруғ қалб билан киришни ўрган. Ўшанда атрофингда қалбсиз кимсалар бақатўн қуйқасидай юрагинг соҳилларида чиппа ёпишиб қолмайдилар... Қалбида гул чечаклар унишини истамаган ҳар қандай кимсага пул бер, йўл бер... Агарки сенинг қалбинг юксалишига монелик қилинса севги номи билан ичилган қасам ҳам ғирт бемаънилик бўлиб қолади. Ҳа, бундай ҳолатда ҳақиқий, умрбоқий Севги сенинг ҳаётингга кириб келмаган бўлиб чиқади. Эҳтимол бундай Севги йўқдир... Лекин, нима бўлган тақдирда ҳам қалбингга чанг солган ҳар қандай кучдан юз ўгир, ундан воз кечишни уддалай бил. Бунда тажаввуз энг яқин Одаминг - ёстиқдошинг томонидан қилинса ҳам! Мен сени шундай қудрат соҳиби бўлишингни истайман, болам.

* * *

Ўғлим, ёзувчиларнинг Дўрмон боғидаги ўзимга тегишли чорбоғдаман. Ёзнинг жазирамаси боис шаҳарнинг бетон уйларида беҳаловатлик бошланган пайт эрсада, чорбоғ анча салқин. Ўнгу сўлим дов-дарахт. Кўм-кўк. Боғларнинг бели букилган - олмазорга худо нурини тўккан. Дала ҳовлимдаги кўзга анчайин ташланган жойга помидордан тортиб, қалампиргача экканман... Ёзнинг дастурхони тўкин бўлди. Тут соясида ёзув столимни ўрнатиб Сен билан нима ҳақда суҳбатлашсам экан, деб турганимда хаёлимни бир манзара тортди. Тўғримдаги чамаси ўн сотих келадиган ловиязорда жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирини қувлаб капалак учишмоқда. Улар шунчалар кўпки, кафтдек келадиган дуккакли экин майдонидан кўз узолмайман - ловиязорда капалак қор тўзғиётганга ўхшайди. Ҳаётнинг ўзига хос кўриниши. Тирикликнинг идрокимизга сингиб, тасаввуримизда бу дунёга келиб, жуда кўп жумбоқларни ечишга ожизлик қилиб, бу ёруғ олам билан хайри хушлашишимиз ҳақиқат эканлигига шу манзарани кузатиб яна бир бор амин бўлаяпман. Жуфт-жуфт, қувинмачоқ ўйнаётган, ўйноқлаб учаётган капалаклар. Ёлғиз учаётган капалаклар... Улар ловиязорни ҳаёт деб билишмоқда. Худди ер юзини айланиб келган каби дуккакли гули ёки япроғида тин олишади-да, яна парвоз қила бошлайдилар. Улар ўзича, парвоз давомида қанотларимиз қуёшга тегади, деб ўйлашса керак. Умуман, капалаклар ўйнамаган тақдирда ҳам, шундай бир ҳолатни бошидан кечираётганини англамоқ қийин эмас. Билмадим, менга шундай туюлаяпти.

Ўғлим, сенга нега буларни гапириб ўтирибман?

Энг қисқа умр кўрувчилар сирасига киради капалаклар ҳаётини лаҳзалар ёхуд соатларга тақсимлашади. Бу ерда лаҳзалик ёки соатлик умрнинг завқ-шавқи ҳақида гап бораяпти. Улар шу лаҳзалик умрни ҳам ёруғлик, қуёш нурларига, илиқликка, гўзалликка (дуккакли гули мисолида) талпиниш, ташналик билан кечиришмоқда. Қизил, сариқ, оқ, кўк, ҳатто қорамтир капалаклар. Уларнинг ҳам биз одамлар каби туслари ҳар хил.

(Боши 13-бетда)

Қўчқор НОРҚОБИЛ

Надомат

ТАҚДИРИНГИЗ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

ЁХУД ЛОҚАЙД ОТАНИНГ СЎНГИ ПУШАЙМОНИ

Кундалик турмушда инсон тақдирини ўзи яратадими ёки у Тангри томонидан азалдан ёзиб қўйилганидек кечадими, деган баҳсли саволларга кўп марта рўпара келамиз. Яшириб нима ҳам қилардик, бу саволга дабдурустдан жўяли жавоб беролмай тараддудга тушиб қолган вақтларимиз бўлганини очиқчасига тан олсак, бирор жойимиз камайиб қолмайди!

Яқинда тиниб-тинчимас синглим мендан шу саволга жавоб беришни сўраганида жавоб беришга қийналиб ўйга толдим. Ривоятларда айтилишича, соҳибқирон Амир Темур "Банда тадбир қилади, Аллоҳ тақдир қилади", деган иборани ишлатишни яхши кўрар эканлар. Бу гапнинг мазмунига теран нигоҳ солсангиз, унинг ҳақиқатдан ҳам нечоғли тўғри эканига амин бўласиз.

Яратганнинг "Сендан ҳаракат, мендан баракат" деган ваъдасига кўра, гарчи азалдан лойимизни у корган бўлишига қарамай, тақдиримизни яратиш ўз қўлимизда(тафаккуримизда, ўй-хаёлимиз, хатто, оғзимиздан чиқиши билан фаришталар томонидан "Омин" дея тасдикланаётган сўзимизда), деган фикрдан тасқин оламиз. Демак, бизнинг тақдиримиз ниятимизга боғлиқ экан. Ниятинг — йўлдошинг, деганларидек, ниятимиз умр бўйи биз билан, у тақдиримизга айланиб кетган хамрохимиздир.

Қуйида лоқайдлиги билан норасида гўдагининг ўлимига сабаб бўлган жохил ота тўғрисидаги хикоя ни эътиборингизга хавола килмокчимиз. Зеро, ишёкмаслик, танбаллик ва локайдликнинг хар кандай кўриниши кун келиб нафакат инсоннинг ўзига, балки ён-атрофидагиларга-да зиён-захмат етказиши муккаррадир.

Гўзалқишлоқ — бундан ўн йилча илгари қуриш бошланган дўппидеккина қишлоқча. У оддий қишлоқлардан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Бироқ шу давр ичида деярли барча кўчиб чиққан оилалар ҳовлисини иморат билан бўлмаса-да, пахса деворлар билан ўраб олишган. Бу ерда одат шундай: аҳли-аёл, болабақра, эчки-улоқни бегона кўздан пана қилиш учун ҳам ҳовлини ҳеч бўлмаганда четан, ёғоч ёки хом ғишт билан ўраб қўйишади. Бунинг кўпгина афзаллик томонлари бор, тунги дайди ит-эшак ҳовлига киролмайди, бирор меҳмондорчиликка чиқсанг ҳам ҳовлингдан кўнглинг тўқ бўлади.

Шу қишлоққа кўчиб ўтганига ўн йилдан ошган Шодмон артист бундай эҳтиёткорликка тоқат қилолмайдиган одам. Исмига "артист" сўзини тиркаб айтишгани билан унинг ўзи артист эмас, борйўғи қўшни қишлоқлик отарчиларни тўйма-тўй олиб юрадиган оддий ҳайдовчи. На бирор ҳунарнинг бошини тутган, на-да бирор ишда ишлайди. Путурдан кетган "Москвич"ида туни билан маст-аласт отарчию ўйинчи жувонларни ташийди, кундузи то шомгача ғафлат босиб уйқуни уради. На рўзғор, на бола-чақа билан иши бор, хотини қанча жаврамасин, қўлини совуқ сувга ургиси келмайди. Бечора хотинининг ўзи йиқилиб, ўзи туради: болалар тарбияси, мол-ҳол, қўйингки, рўзғорнинг бошқа ташвишлари ҳам унинг зиммасида.

Шодмон артист шомда янги узилган бодрингдай диркиллаб уйғониб, пўрим кийим-бошини кийиб олади, атирнинг бурунни қитиқлайдиган ўткиридан икки-уч босиб сепади-да, хайр-хўшни ҳам насия қилиб, машинасини навбатдаги тўйхонага қараб елдириб кетади.

Шу зайлда ўтаётган кунларнинг бирида мудҳиш воқеа рўй беришини ким ҳам ўйлабди дейсиз?!

Ўша туни Шодмон артист эски аравасини шалдиратиб тўйга кетган, уйда ёлғиз хотини билан болалари қолган, улар ҳам ширин уйқуда эди. Тун яримдан оғиб қолганида Шодмоннинг катта қизи 13-14 ёшлардаги Мафтуна ташқарига чиққиси келади ва кўрқмаслиги учун одати бўйича онасига мақсадини айтади. Куни билан кетмон чопган она шу оқшом бошини кўтаролмасди. Мафтунанинг ширин-ширин ялинишларига жавобан она ухлаб ётганидан бир жуфт ёш томчиси думалади, қизалоқ сўзлашга чоғланди, бироқ уддалолмади. Онаси хўнграб юборди.

—Нима бўлди сенга, Мафтун?..

Мафтуна қаттиқ кўрқувдан тилдан қолганди.

Эртаси эрта билан онаси тез ёрдам чақирди. Ҳолбуки, тонгга яқин тўйю маишатдан қайтган Шодмон артист шу кезда ғарқ терга ботиб ухлаб ётарди, хотинининг жавраш-лари қулоғига кирмасди...

Аранг бир-бир ярим соатлардан кейин келган дўхтирлар аниқ-тиниқ бир гапни айтишмади, тусмоллашиб бириккита дори ёзиб, бечора онанинг қўлига тутиб кетишди.

Тушдан кейин Шодмон артист қўшни туман марказидан келтирган дори-дармонлар кор қилмади. Мафтунанинг аҳволи тобора оғирлашиб борарди. Қизалоқ сўз демас, бир луқма таом татимас, фақат пиққилаб йиғлаб ўтирарди, холос. Иккинчи кун тонгга яқин унинг киртайган кўзларидан ёш ҳам чиқмай қолди. Энди унга нима бўлганини Шодмон артисту қариндош-уруғлар ҳам билиб қолишганди.

Тушга етмай қизалоқнинг кўзи мангу юмилди. Қизининг ўлимига ўзини сабабчи деб билган она сочларини юлаюла тақдирини ланъатлайверіб ҳолдан тойди. Шодмон артист захил юзини бармоқлари билан тўсиб узоқ йиғлади, беун йиғлади. Қўниқўшни, қариндошлар биргалашиб маййитни тупроққа қўйиб келишди.

Шундан сўнг Шодмон артистнинг тоғаси, эрталабдан буён бир сўз демай дардини ичига ютиб ўтирган Мамарасул полвон жияни олдига келди-да, кутилмаганда уни қулочкашлаб уриб юборди. Фавқулодда урилган зарбдан мункиб кетган Шодмон артистни полвон тоғаси яна бирикки мушт билан сийлади, йиқилганига қарамай, бикини аралаш яхшигина тепди ҳам.

—Тўйма-тўй дайдиганингча, манжалақи ўйинчи жувонлар билан ишрат қилгунингча ҳовлинг атрофини пахса девор билан ўраб қўйсанг ўласанми, итвачча? Хайф сенга эркак деган ном...

Қариндошлар Мамарасул полвонни зўрға тўхтатиб қолишди.

— Худонинг ургани етар, энди сиз урманг эримни, тоға,- дея йиғлаб ўртага тушди Шодмоннинг хотини.

Ким билади дейсиз, қариндошларию хотини орага тушмаганида тупроққа қорилиб ётган Шодмон артист ҳам шу куни норасидасининг ортидан нариги дунёга кетармиди. Гарчи энди умуман фойдаси бўлмаса-да, бироқ нима бўлганида ҳам кўпчилик ақли расо кишилар Мафтунанинг ўлимида унинг отасини айблашганди.

Хулоса шуки, ўзини асраганни Худо ҳам асрайди, тақдирини яратиш инсоннинг ўз қўлида.

Норали ОЧИЛОВ, журналист

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон Миллий Матбуот маркази ҳамда "Ҳуррият" газетаси жамоаси Навоий вилояти ҳокимлигининг "Дўстлик байроғи" газетаси Бош муҳаррири, таниқли публицист ва шоир

МАҲМУД МАРДИЕВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила-аъзолари ва ёру биродарлари чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон Миллий Матбуот маркази ҳамда "Ҳуррият" газетаси жамоаси таниқли журналист, Киночилар уйи директори Ўктам Мирзаёровга фарзандлари

УМИДА ва МУЗАФАРнинг

фожиали ўлими муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Амирқул КАРИМОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ (махсус мухбир), Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Исмат ХУДОЁРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72.

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 0.00
Буюртма — Г - 573

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida Jamshed Tog'aev tomonidan sahifalandi.